

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 330.1**

ЮНУСОВ НУРИЛЛА ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ТАШҚИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар _____

и.ф.н., доц. Т. Умаров

ТОШКЕНТ – 2017

Диссертация Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

доц. Т. Умаров

Кафедра мудири

доц. Д. Джумонов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....

I-БОБ **ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

- 1.1. Технологиялар трансфери жараёнини амалга оширишда инновацияларнинг ўрни
- 1.2. Инновациялар трансфери ва инновациялар трансфери марказларининг иқтисодий мазмуни
- 1.3. Инновацион товарларни трансфер қилишда кластер усулидан фойларининг аҳамияти

II-БОБ **ТАШҚИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ РИВОЖЛАНИШИГА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ТАЪСИРИ**

- 2.1. Технологиялар трансферининг ташқи инновацион фаолиятга таъсири
- 2.2. Экспорт салоҳиятини юксалтиришда технологиялар трансферини амалга ошириш (саноат тармоғи мисолида)

III-БОБ **ТАШҚИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

- 3.1. Ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт товарлари сифатини оширишда технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш
- 3.2. Инновациялар трансферининг ривожланиш истикболлари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Инновация жараёнининг доимий ривожланиб бориши инсоният ва ижтимоий ҳаёт ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Инновация хўжалик юритиш субъектларини модернизациялашга катта таъсир кўрсатмоқда. Самарали инновацион фаолият нафақат ишлаб чиқариш стратегияси, балки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтиришни ҳам белгилайди. Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожланишининг сўнгги босқичларида инновацион жараёни жадаллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг 2008 йилдаги “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари” 916-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналарнинг инновацион жараёнининг натижавийлиги технологиялар трансферини амалга ошириш шароити, ресурслар таъминоти, менежмент тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан аниқланади.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши миллий иқтисодиёт субъектлари ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда технологиялар трансфери тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этиш долзарб масалага айланди.

Бунда миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, айниқса кичик бизнес ривожланишида инновация омилининг аҳамияти, инсон капитали, инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилиши, уни самарали молиялаштириш орқали ошириш назарда тутилади.

Зеро, ҳар қандай мамлакат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, жумладан ҳудудий бизнес ишлаб чиқариши модернизациясида, инновацион фаолият натижаси, фан ва техника

тараққиёти катализатори асоси бўлмиш инновациялар ва улар трансферининг аҳамияти жуда катта

Демак, ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолиятда инновацияларни қўллаш билан бир қаторда, самарали технологиялар трансфери тизимини амалга оширишни тақозо этмоқда. Ҳозирда жаҳон бозорида рақобатнинг кескинлашуви экспорт қилинадиган товарларимизни сифат жиҳатдан такомиллаштириш керак эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, корхоналаримизни инновацион ривожлантириш ва самарали инновациялар трансфери тизимини яратиш долзарб масалага айланмоқда.

Тадқиқот ишининг объекти ва предмети. Технологиялар трансферидан самарали фойдаланиш натижасида жаҳон бозорга инновацион товарлар экспорт қилаётган корхоналар тадқиқот объекти ҳисобланади. Ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришда технологиялар трансферидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар тадқиқот предметиدير.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ёзишдан мақсад технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда ушбу диссертацияга қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- технологиялар трансфери жараёнини амалга оширишда инновацияларнинг аҳамиятини назарий асослаш;
- иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда инновациялар трансфери марказлари фаолиятининг тутган ўрнини илмий асослаш;
- инновацион товарларни трансфер қилишда кластер усулини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- технологиялар трансферининг ташқи инновацион фаолиятга таъсирини таҳлил қилиш;

- экспорт салоҳиятини юксалтиришда технологиялар трансферининг ролини аниқлаш;

- ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт товарлари сифатини оширишда технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- технологиялар трансфери жараёнини амалга оширишда инновацияларнинг аҳамияти асослаб берилган;

- иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда инновациялар трансфери марказлари фаолиятининг тугган ўрни асослаб берилган;

- инновацион товарларни трансфер қилишда кластер усулини қўллаш бўйича тавсиялар тавсиялар ишлаб чиқилган;

- экспорт салоҳиятини юксалтиришда технологиялар трансферидан фойдаланиш таҳлил қилинган;

- Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда технологиялар трансферидан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган;

- ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт товарлари сифатини оширишда технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Ушбу диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришга, бу жараёни амалга ошириш амалиётидаги ўзига хос муаммоларни аниқлашга ва уларни бартараф этиш ҳамда инновацион муҳитни яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи: технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари Ф.Кенэ, А.Смит, Т.Мальтус,

Ж.Милль, Ж.Сэй, А.Курно, Г.Госсен, Л.Вальрас, А.Маршалл, В.Парето, Ж.Кейнс, М.Фридмен, П.Самуэльсон, Ж.Гэлбрейт, Л.Эрхард, В.Леонтьев, Р.Харрод, К.Ховард, С.Кузнец, Р.Солоу¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизнинг қатор иқтисодчи олимлари технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантириш муаммосининг айрим жиҳатларини ўзларининг назарий қарашлари билан бойитдилар. Улар жумласига А.Абдуғаниев, А.Ўлмасов, Ш.Шодмонов, С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ваҳобов, Ш.Йўлдошев, Х.Баракаев, А.Усмонов² ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бироқ, юқорида номлари қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари деярли ўрганилмаган.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда инновация, иқтисодиётни модернизациялаш технологик ҳзгаришларни амалга ошириш муаммосининг баъзи жиҳатларига эътибор берилган бўлсада, технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантириш механизмлари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этишнинг зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди ва тадқиқот мавзуси сифатида танланишга асос бўлди.

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатство народов. –М.: 1976. -332 с.; Мальтус. Т. Опыт о законе народонаселения. –М.: Эконов, 1993. -486 с.; Милль Ж. Основы политической экономики. Т.П.М., 1980.; Сей Ж. Трактат политической экономии. –М.: Экономика. 1980. –С.217.; Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993; Парето В. Чистая экономия. -Воронеж, 1912.; Кейнс Ж. Избранные произведения. –М.: Экономика, 1993.; Фридман М. Если бы деньги заговорили... /Пер. с. англ. –М.: Дело, 1998. -160 с.; Самуэлсон П., Нордхаус В. Экономика.: Учебник / 18-е изд.: Пер с англ. –М.: ООО “Вильямс”, 2009. -1360 с.; Гелбрейт Ж. Экономические теории и цели общества. –М.: Прогресс, 1976. -406 с.; Леонтьев В. Межотраслевая экономика /Пер. с англ. Автор предисл. и науч. ред. А.Г.Гранберг. –М.: Экономика, 1997. -479 с.; Ховард К. и др. Экономическая теория: Теория свободного рынка. Учебник для вузов. –М.: Банки и биржи. ЮНИТИ, 1998. -278 с.

² Абдуғаниев А. Темпы и пропорции воспроизводства общественного продукта в Узбекистане. –Т.: Фан, 1973.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2006. -480 б.; Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Мехнат, 1995. -528 б.; Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003. -319 б.; Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. -728 б.; Ғуломов С. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000. -280 б.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: Тадқиқот ишини тайёрлашнинг асосий услубий базаси бўлиб республикамиз Президенти асарлари, мавзуга оид қонунлар, қарорлар ва фармонлар, бюджет тизими тўғрисидаги қонун, Республика Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Диссертацияда илмий абстракция, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, гуруҳлаш, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишидан олинadиган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишидаги технологиялар трансферидан самарали фойдаланган ҳолда ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иқтисодиётни инновацион ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материаллари олий ўқув юртларида “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, “Ижтимоий сиёсат”, “Иқтисодий назария”, фанларини ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Технологиялар трансферининг иқтисодий мазмуни ва ундан фойдаланиш йўллари

1.1. Технологиялар трансфери жараёнини амалга оширишда инновацияларнинг ўрни

Ҳозирги кунда инновация ва илмий тадқиқот фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг етишмаслиги, хусусан, инновация, тадқиқот, технологиялар трансфери, грант каби атамаларнинг мазмун ва моҳияти қонунчиликда акс эттирилмаганлиги, давлат бюджети ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи, ундан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилмаганлиги, соҳа вакиллари ҳамда уларнинг маҳсулотларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан тартибга солинмаганлиги инновацион фаолиятнинг янада самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун инновация, тадқиқот, технологиялар трансфери тушунчаларини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Барча мамлакатлар шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам замонанинг энг долзарб иқтисодий таълимотларидан бири ҳисобланган инновацияларнинг иқтисодий назарияси ҳозирда ўзининг шаклланиш босқичида. Шу боис замонавий инновация назарияларининг асосий мазмунини бир тизимга келтириш муаммолари долзарб бўлиб турмоқда.

Юртимизда ҳам иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг “Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда”³ – деб таъкидлаган сўзларидан

³ Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, <http://uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015>.

хам мамлакатимизда инновацион иқтисодий-сиёсатга нечоғлик аҳамият берилаётганини билиш мумкин.

Иқтисодиёт илмининг турли йўналишлари ўзларининг йўналишлари доирасида инновация назариясига турли ёндашувлар мавжуд. Шу сабабли ушбу мақоламизда инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ҳамда инновация назарияси эволюциясининг асосий қонуниятларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиёт илмининг турли йўналишларида инновация назариясининг шаклланиши муаммосига бағишланган ишлар авваламбор Г. Хосперса, Р. Смитса, М. Ларанья, Э. Уараб ва К. Фланаганбларнинг ишларида ўз аксини топган. Герт-Ян Хосперс ўзининг “Йозеф Шумпетер ва унинг инновациялар тадқиқотидаги мероси” номли ишида Й. Шумпетернинг неоклассиклар доирасида юзага келган инновация назарияси ҳақидаги қарашларини таҳлил этган⁴. Руд Смитс ўзининг “XXI асрда инновациялар ҳақидаги таълимотлар: истеъмолчилар томонидан саволлар” номли ишида инновация тадқиқотларида жараёнли ва тизимли ёндашувчи мактабларни ажратиб кўрсатади⁵. Мануэль Ларанья, Эльвира Уараб ва Кирон Фланаганблар ўзларининг “Фан, технология ва инновация соҳасидаги сиёсат: турли даражаларда ҳудудий сиёсатни назарий асослаш” номли ишларида мавжуд йўналишларни (эндоген ўсишнинг неоклассик назарияси, ўсишнинг янги назарияси, неомаршалианнинг кластер ёндашуви, эволюцион-структуралистик ёндашув, институционал тизимли ёндашув) инновацион сиёсат учун тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан таҳлил қилаганлар⁶.

Замонавий иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи — инновация эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Энди инновация назарияси вужудга келишига тарихий манбалар таҳлилини қилиб кўрамиз.

⁴ Hospers Gert-Jan. Joseph Schumpeter and His Legacy in Innovation Studies. Knowledge, Technology, & Policy, Fall 2005, Vol. 18. №3. P.20-37.

⁵ Smits Ruud. Innovation studies in the 21st century: Questions from a user's perspective. Technological Forecasting & Social Change 69, 2002, P.861-883.

⁶ M.Laranjaa, E.Uyarrab, K.Flanaganb. Policies for science, technology and innovation: Translating rationales into regional policies in a multi-level setting. Research Policy, 37, P.823-835.

Адам Смит ўзининг 1776 йилда чоп этган “The Wealth of Nation” номли монографиясида нафақат бозор тизими (талаб ва таклифнинг нисбати), балки янги технологиялар ёрдамида рақобатбардошликни янада ошириш ҳам капитализмнинг ташкилий механизми сифатида хизмат қилиши тўғрисида таъкидлаб ўтган. Вақт ўтган сари мазкур постулат янада кенг ва янада салмоқли аҳамият касб эта бошлади ва ҳозирги кунда ташкилот ва компаниялар очик бозордаги рақобат курашида инновациялардан амалий омил сифатида фойдаланамокдалар.

Иқтисодий адабиётларда инновация назарияларини бир бутун сифатида тадқиқ этилган ишлар жуда ҳам кам учрайди. Инновация мавзусининг эволюциясига келадиган бўлсак, адабиётлар таҳлили қуйидаги тарихий босқичларни аниқлаш имконини берди:

- 10-30 йй. – назариянинг фундаментал асослари шаклланиши;
- 40-60 йй. – аввалги давр таянч инновацион ғояларни ривожлантириш ва батафсил ўрганиш;
- 70- йй.нинг ўртасидан то ҳозирга қадар.

Инновацияларнинг фундаментал асослари шаклланишида “катта тўлқинлар” назарияси асосчиси Н.Д. Кондратьевнинг тадқиқотларидан бошлаш тўғрироқ бўларди. Ҳолбуки, у катта тўлқинлар шаклланишида техник ўзгаришларнинг ролини аниқ кўрсатиб бермаган бўлса-да, катта тўлқинларнинг кўтарилиши чоғида амалга ошмаган ихтиролар амалда ўз ифодасини топишини назарда тутган.

Н.Д. Кондратьев ўзининг тадқиқот фаолияти натижасида қуйидаги асосий ҳолатларни аниқлаган:

- саноат ишлаб чиқаришда алмашинув фазалари кетма-кетлигининг даврийлигини аниқлаган;
- даврларнинг кўплигини исботлаган;
- даврлар моделини ишлаб чиққан

Кейинчалик унинг илмий қарашларига Й. Шумпетер томонидан қўшимча киритилди ва у катта тўлқинларнинг пайдо бўлишида техник

Ўзгаришлар асосий ўрин тутишини асослаб берди. Инновацион ривожланиш назарияси асосчиси Й.Шумпетер ўз тадқиқотларида қуйидаги асосий ҳолатларга эътибор қаратган⁷:

- иқтисодий инновацияларни фақат саноат билан боғлаган ҳолда уларга асосий урғу берган;
- “кашфиёт” ва “янгилик” тушунчаларини ажратган;
- иқтисодиётда динамик ўзгаришлар инноватор-тадбиркор туфайли рўй беради деб таъкидлаган;
- глобал даврий инқироздан фақатгина янги технологик қатламдаги таянч инновацияларни жаҳон миқёсида рағбатлантириш орқалигина чиқиб кетиш мумкин деб таъкидлаган.

У Кондратьев цикллари ҳаракатга келтирувчи куч сифатида *техник революция* тушунчасини киритди. У буғ двигателининг ихтиро қилиниш биринчи Кондратьев тўлқинига (1818-1842 йй.), темир йўлнинг ихтиро қилиниши иккинчи тўлқинга (1843-1897 йй.) ва электр двигатели ҳамда автомобилнинг ихтиро қилиниши учинчи тўлқинга (1898-1949 йй.) тўғри келиши бежиз эмаслигини таъкидлайди. Й. Шумпетер ушбу ўзгаришларни инновацион фаоллик ва тадбиркорликнинг гуркираб ривожланиши билан боғлайди.

Д. Кондратьевнинг маслакдоши П.Сорокин ижтимоий-маданий соҳада инновацияларнинг асосини яратди, яъни у – ижтимоий муҳитда инновацион ривожланиш назарияси асосчиси бўлиб, маданият ва жамиятнинг бир нечта турини аниқлаган⁸. Унга кўра маданият ва жамият турларидан бирининг афзал кўрилиши жамият, мамлакат ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беради.

Шу тариқа 30 йил давомида инновацион ривожланишнинг фундаментал асослари яратилди.

⁷ Shumpeter Y. Business Cycles. Vol. 1, 2. New York, 1939.


⁸ Сорокин П. Социальная и культурная динамика. СПб.: РГХУ, 2000.

Инновацион ривожланиш назарияси ривожланишининг кейинги босқичи – фундаментал хусусият касб этмайди (40-йиллардан 70-йилларнинг ўраталарига қадар). Кўпгина олимларнинг фикрича бунга Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги қурол-яроқ пойгасининг таъсири катта бўлган. Барча тадқиқотлар амалий хусусият касб этди. Аммо инновациялар назарияси ривожланишида жиддий силжишлар содир бўлди.

Ушбу даврдаги фундаментал ишларга инглиз олими Ж.Д. Берналнинг “Жамият тарихидаги фан” (“Science in history”) номли монографияси келтиришимиз мумкин. Ушбу монографиясида у – илмий, техник ва ижтимоий янгиликлар ўртасида корреляцияни асослаган. Унинг фикрича илм-фаннинг ривожланиш даври одатда иқтисодий фаолликнинг ва техник ривожланишнинг кучайиш даври билан мос равишда содир бўлади.

Ушбу даврга келиб асосий эътибор инновацияларнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигига катта эътибор қаратила бошланди. Бу борада эътиборли ишларни амалга оширган олимлардан бири С.Кузнец бўлиб, у Шумпетер ва Берналларнинг ғояларини ривожлантирди. У иқтисодий ўсиш белгиларини шакллантирди ва унга кўра миллий маҳсулотнинг барқарор ўсиши, техник ривожланиш, ғоявий, институционал ва бошқа ўзгаришлар иқтисодий ўсиш белгилари ҳисобланади⁹. С.Кузнец инновациялар фақатгина технологик эмас, балки ижтимоий жиҳатга ҳам эғалигини таъкидлаб ўтди. Янги технологиялар салоҳияти амалга ошиши учун у ёки бу тарихий даврларда устунлик қилган ижтимоий ўзгаришлар ҳам зарур деб ҳисоблаган ва 1971 йилда “Давр инновацияси” (эпохальная инновация) тушунчасини киритди. Унинг таъкидлашича агар корпорацияларсиз саноат инқилоби, буғ двигателларини қўллаш мумкин бўлмасди. Худди шундай – қимматли қоғозлар бозорисиз темир йўл тармоғи ривожланмасди (1.1.1-расм).

⁹ Kuznets S. Secular Movements in Production and Prices. New York, 1930.



Манбаа: Linton 2009, Abemathy and Clark, 1985

1.1.1-расм. Ижтимоий ва технологик инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги

Инновациялар назарияларининг замонавий босқичи немис олими Герхард Меншнинг Кондратьев ва Шумпетернинг катта тўлқинлар назариясига бағишланган “Технологик пат: инновациялар депрессиядан устун” номли монографиясидан бошланади. У иқтисодий ўсиш ва (таянч янгиликлар пайдо бўлиши оқибатидаги) даврийликни ўзаро боғлашга ҳаракат қилган.

Унинг фикрича таянч янгиликлар ўзининг салоҳиятини йўқотганидан кейин техник пат ҳолати юзага келади¹⁰. Унинг тадқиқотлари натижаларини қуйидаги асосий ҳолатлар билан ажратиш мумкин:

- техник қатламнинг ҳаёт циклини тасвирловчи инвестицияларнинг S моделини ишлаб чиққан;
- “Технологик пат” тушунчасини киритган бўлиб, унга кўра инновацияларсиз ундан чиқиб кетишнинг имкони йўқ;
- инновацион ривожланиш депрессия фазасидан кейин содир бўлишини таъкидлаган.

¹⁰ Mensch Gerhard. Stalemate in Technology: Innovations Overcome the Depression. Cambridge, Massachusetts, 1979.

Рақобат афзалликлари назарияси асосчиси М. Портер инновациялар тўғрисидаги назарий қарашлари ҳам инновация назарияси ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган деб уйлаймиз. У инновациялар ва рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқликни ўрганган¹¹ ҳамда компаниянинг рақобат афзалликларини унинг инновацияларни ўтказиш ва уларни жорий этиши билан солиштирган.

Инновация назариялари ривожланишининг учинчи босқичида эътиборга молик тадқиқотларни олиб борган олимлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: С.Ю. Глазьев – “технологик уклад” концепцияси асосчиси. Унинг таъкидига кўра технологик уклад – бу техниканинг ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирини кетма-кет алмаштирувчи бир қанча авлодларидир. Унинг “технологик уклад” концепцияси Кондретьевнинг “катта тўлқинлар” назарияси асосида яратилган дейиш тўғри бўларди. Биринчи технологик уклад биринчи кондретьев тўлқинига, иккинчи уклад иккинчи тўлқинга в.х.к. тўғри келади. Ҳозирда постиндустриал мамлакатлар олтинчи технологик укладга ўтиш жараёнида туришибди.

Америкалик иқтисодчи Б.Твист – инновацияларга жараён сифатида қараган ва кашфиётлар янгиликларга айланишининг муваффақиятлилиги боғлиқ бўлган омилларни кўриб чиққан¹². Унинг таъкидлашича инновация – жараён бўлиб, унда кашфиёт ёки ғоя иқтисодий моҳиятга эга бўлади.

Кристофер Фримэн – “миллий инновацион тизимлар” (МИТ) концепцияси асосчиси. Фримэннинг таъкидлашича МИТ – бу “хусусий ва давлат институт ва ташкилотлари тармоғи бўлиб, уларнинг фаолияти ҳамда ўзаро алоқалари янги технологияларнинг вужудга келиши, импорт қилиниши, модификацияланиши ва тарқалишига олиб келади”.

А.Кляйнкнехт – Г.Менш назарий қарашларининг кўпгина жиҳатларини танқидий қарши олди ва ривожлантирди. У Г.Меншнинг депрессия босқичида янгиликлар кластери шаклланишига оид фикрларига аниқлик

¹¹ Michеk E. Porter The Competitive Advantage of Nations, Harvard Busines Review, march-april 1990.

¹² Brain C. Twiss Managing Technological Innovations, London, 1974.

киритган. Унинг аниқлашича, маҳсулотларга янгилик киритиш (маҳсулотлар инновацияси) депрессия фазасида содир бўлади, жараёнга янгиликлар киритиш (жараёнлар инновацияси) эса катта тўлқиннинг ўсиш босқичида содир бўлади.

Маҳсулотлар инновацияси ва жараёнлар инновацияси ўртасидаги фарқни Р.Кумбос ва А.Кляйнкнехтларнинг ўзаро ҳамкорликда ёзган ишларида келтирилган қуйидаги классификациядан аниқ ва равшан кўриш мумкин¹³:

- “Соф” маҳсулотлар инновацияси (сўнги истеъмол учун мўлжалланган);
- янги медицина жарроҳлиги, аппаратлари ва дори-дармонлари;
- янги инвестицион товарлар (энг аввало истеъмол товар ва хизматларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган);
- янги техник ускуналар (ҳам инвестицион ҳам истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкони мавжуд бўлган);
- илмий инструментлар (лаборатория тадқиқотлари учун мўлжалланган аммо кейинчалик саноат мақсадларида фойдаланилши мумкин бўлган);
- “Соф” жараёнлар инновацияси (фақат ишлаб чиқариш омилларини тежашга йўналтирилган).

Элвин Тоффлер – постиндустриал жамият концепцияси муаллифларидан бири бўлиб, ўзининг илмий асарларида инсоният янги технологик инқилобга ўтмоқда деб таъкидлайди ва жамият ривожланишини уч “тўлқин”: аграр, саноат, ахборот тўлқинларига ажратади¹⁴. Шу боисдан ҳам кўпгина адабиётларда учинчи тўлқин, яъни ахборот тўлқини “ахборот инқилоби” ёки “технологик инқилоб” деб ҳам аталади. У инновацион

¹³ Coombs, R.W., A. Kleinknecht: 'New evidence on the shift towards process innovation during the long wave upswing', in C. Freeman (editor): Design, innovation and long cycles in economic development, London: Royal College of Art, 1984, p. 81.

¹⁴ Alvin Toffler – The Third Wave, 1980.

жараёнларни уч босқичга, яъни ижод, амалиётда қўллаш ва ва жамиятга тарқатиш босқичларига ажратади¹⁵.

Инновация назариялари ривожининг учинчи босқичидаги методологик ишлар сифатида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ишлаб чиққан “Фраскати қўлланмаси” ҳамда ИХТТнинг Евростат билан биргаликда ишлаб чиққан “Осло қўлланмаси”ни таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Мазкур ҳужжатлар фан ва инновациялар статистикаси методологиясига бағишланган илк ҳужжатлар ҳисобланади¹⁶. “Инновация” атамаси ривожланиши давомида унга турли хил таърифлар берилган.

Шуларнинг энг тўғриси сифатида Фраскати ва Осло қўлланмаларида келтирилган таърифларни келтириш мумкин¹⁷. Мазкур қўлланмалар ишлаб чиқаришни модернизациялашни чуқурлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари ва натижалари тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқаришга имкон берувчи ишончли статистик маълумотларни шакллантириш бўйича услубий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, инновацион ривожланишнинг назарий асосларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳозирда иқтисодиёт илмида инновацион ривожланишнинг кўплаб назариялари, концепция ва гипотезалари мавжуд. Одатда ушбу назария ва концепциялар ўзидан олдингиларнинг бирлаштирувчи давоми ҳисобланади;
- инновацион ривожланиш назарияси асосининг шаклланиши даврлар ва инқирозларнинг умумий назарияси вужудга келиши доирасида содир бўлган. У Кондратьевнинг “катта тўлқинлар назариясини ривожлантириш натижасида шаклланди;
- инновацион ривожланиш назарияси шаклланишининг учинчи босқичида асосий эътибор ҳудудий жиҳатга, яъни турли мамлакатлар ва маданиятларнинг инновацион фаолликларидаги тебранишларга қаратилди.

¹⁵ Э. Тоффлер. Шок будущего — М.: ООО “Издательство АСТ”, 2002, 36-с.

¹⁶ Frascati Manual Proposed Standard Practice for Surveys on Research and Experimental Development, Paris 2002, 8-р.

¹⁷ Oslo Manual, Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data, Third edition, A joint publication of OECD and Eurostat, 2005, 16-р.

Инновацион фаоллик эпицентри вақти-вақти билан силжиб турди. Барча мамлакатлар инновацион ривожланишга катта эътибор қаратиб ўзларининг инновацион ривожланиш концепцияларини яратдилар.

1.2. Инновациялар трансфери ва инновациялар трансфери марказларининг иқтисодий мазмуни

Бу янги, Ўзбекистонда энди танилаётган, шунингдек қизиқарли фаолият тури бўлиб, ўз ичига "инновацион менежмент", "янгилик ишлаб чиқариш", "илмий ишларни тижоратлаштириш" ва бонка тушунчаларни камраб олади. Аниқроқ айтганда, **Инновациялар трансфери** - бу хоҳлаган фаолият турида илмий изланувчининг ёки ижодкорнинг аниқ, ғояси муаллиф учун ҳам, бутун жамият учун ҳам сезиларли муваффақият келтирадиган жараёндир.

ИТнинг асосий қийинчиликларидан бири шундаки, ғоя муаллифини муваффақият қозонишига ишонтира олиш керак, чунки у ўзи мустақил маҳсулотни охиригача ҳеч қачон етказа олмайди. Унинг ғояси занжирсимон тарзда қўлдан-қўлга ўтиши, **яъни** "назариётчи-ихтирочи", "тадқиқотчи-амалиётчи", "тадқиқотчи-технолог", "технолог-ишлаб чиқарувчи", "маркетолог-сотувчи" бўлиб ўтиши ҳамда ушбу чархпалакка инновацион марказларни, маъмуриятни, банкларни ва маҳсулотни қўллаб-қувватловчиларни жалб эта олиши керак. Худди мана шу жараён ИТ деб номланади. ИТ тушунчаси Ўзбекистонда яқинда пайдо бўлган ва бу албатта бозор иқтисодиёти билан боғлиқ. ИТТнинг катнашувчилари қуйидагилар:

- технология эгаси;
- ўртакашлар;
- маслахатчилар;
- инновацион марказлар;
- ахборот тармоклари;
- давлат органлари;
- инвесторлар;

-потенциал сотиб олувчилар.

Ушбу қатнашувчилардан инновацион марказлар алоҳида ўрин тутати.

Инновацион марказлар - бу янги илмий техник маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Бундай марказларга иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги хусусий ва давлат корхоналари, Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, ассоциациялар, бизнес тузилмалар, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари, банклар, шунингдек молия ташкилотлари киради.

Инновацион марказларнинг асосий мақсади - Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболлари ташкил этиш, давлат, илм-фан ва хусусий бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг самарали механизмини шакллантириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш, илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлаш, муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнларини кенгайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан иборат.

2002 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши тузилди. Ушбу кенгаш республикада илмий-техникавий фаолият соҳасидаги мувофиқлаштирувчи юқори орган бўлиб ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси бош вазири томонидан бошқарилиши белгилаб қуйилган.

Мувофиқлаштириш кенгаши зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юкланган: фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг устивор йўналишлари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ривожланишининг стратегияси, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболли таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда белгилаш:

1) Мамлакат манфаатлари ва давлатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт соҳасидаги устивор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳалар бўйича экспертизалар ташкил этиш ва экспертиза билан боғлиқ хулосаларни тасдиқлаш;

2) Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат устивор йўналишлариги мос келувчи йирик илмий дастурлар технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

3) Илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар бўйича йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш;

4) Янги инновациявий илғор ғояларни илгари сурувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли йўналишларни мунтазам кузатиб борувчи ҳамда мамлакат манфаатлари йўлида қўллай олишга қодир иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.

Мувофиқлаштириш кенгаши қошида унинг ижрочи органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилган бўлиб, мунтазам равишда Мувофиқлаштириш кенгашига дастурий лойиҳалар, таклифлар бериб туриш, олий ўқув юртларида турли танловлар, анжуманлар ўтказиш, турли грантлар ажратиш каби вазифалар билан шуғулланади. Бундан ташқари, Мувофиқлаштириш кенгаши қошида Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилган.

Шунингдек Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида илм талаб, юкори технологияга асосланган ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, модернизация қилиш ва техник янгилаш бўйича белгиланган устивор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор республика вазирликлари ҳамда идоралари ҳам фаолият юритади.

ИТ марказлари орасида **банклар** асосий ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиётини узоқ давом эттирадиган шартларидан бири ривожланган, ишончли молия тизими ҳисобланади. Бу тизимга кирувчи тижорат банклари алоҳида роль ўйнайди. Улар иқтисодиётнинг алоҳида тизимларини бир-бирига боғлайди.

Банклар молия бозорида муваффақиятли фаолият юритиши учун ҳар доим инновацион фаолият юритиши даркор. Тижорат банкларида инновациялар тез-тез амалга оширилади ва молия бозорини жонлантиришда ҳамда молиявий хизматларнинг ривожланиши жараёнида катализатор бўлиб ҳисобланади. Охирги 30 йилда яратилаётган ҳамда амал қилаётган молиявий маҳсулот ва хизматлар глобаллашаётган жаҳон молия бозорининг ривожланишида асосий омил бўлмоқдалар. Янги молиявий воситалар, технологиялар, институтлар, яъни молиявий инновациялар ўз навбатида бири-бирини тўлдирадиган молия бозорининг масштаби янгиликларини ўзаро мослаштиради, шундан келиб чиққан ҳолда миллий ва жаҳон иқтисодиётини ривожланишига таъсир этади.

Мақсадли инновацион фаолиятнинг пайдо бўлиши муҳим элементга ва саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг воситасига айланди.

"Инновация" тушунчасини замонавий иқтисодий фан инновацион фаолиятнинг охирги натижаси, деб ҳисоблайди.

Инновацион банк - маҳсулот ишлаб чиқаришда лойихалаштиришдан бошлаб то уни жорий этилгунига қадар илмий-техник ишланма ва ихтироларни кенг қўллашда инновацион лойихаларни кредитлаш ва молиялаштиришга махсуслаштирилган кредит-молия муассасасидир. Инновацион банклар ихтироларни яратиш ва қўллашдаги кўшма анжуманларда иштирок этиши мумкин. Аммо Ўзбекистон қонунчилигида банкларнинг асосий категорияси сифатида инновацион банклар фаолият юритмайди.

Бугун Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулотлар дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда ва бунинг натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти йил сайин ортиб бораётир. Шу билан бирга, турли мулкчилик шаклидаги, шу жумладан кичик бизнес корхоналарида импорт ўрнини босадиган кенг қўламли дастурлар амалга оширилмоқда, сифати бўйича жаҳон стандартларидан қолишмайдиган, харидоргир турли буюм ва

товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгари бунинг учун айрим хўжалик юритувчилар четдан зарур ва нисбатан қиммат технологияларни сотиб олишга тўғри келарди. Айни пайтда олимларимиз томонидан энг яхши ва самарали ишланмалар яратилиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Сунги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда улардан барча фаолият соҳаларида фойдаланмоқда. Уларни такомиллаштириш борасида мамлакатимизда бир неча маротаба инновацион ярмаркалар, конференциялар, давра суҳбатлари ва маърузалар уйиштирилмоқда. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда энг замонавий технология ва услублардан фойдаланиш устивор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилишнинг ҳозирги босқичида инновацияларни жорий этиш ва барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда ривожлантириш мақсадида билимдан фойдаланишга йўналтирилган стратегияни руёбга чиқариш алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда инновация фаолиятини кенгайтириш учун қулай муҳит яратилган. Бугун давлат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчилар ва новатор-олимлар ўртасида амалий муносабатларни мустаҳкамлаш асосий вазифалардандир. Инновацион марказлар ҳам шундай эзгу мақсадга хизмат килади.

1.3. Инновацион товарларни трансфер қилишда кластер усулидан фойларининг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги **“Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 916-сонли қарорини амалга ошириш Ўзбекистонда инновацион технологияларни халқ хўжалигига татбиқ этиш ва ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма шароитларга эга. Қарорни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, шунингдек,

бошқа идора ва инновация марказларининг илмий тадқиқот, таълим, тажриба-конструкторлик ташкилотлари томонидан Давлат илмий техника дастурлари доирасида ишлаб чиқарилган янги технология, усул, ишланма ва инновация ғоялари намоёни этилди.

2008-2016 йилларда бўлиб ўтган ярмаркаларда умумий ҳажми 144,1 миллиард сўмлик 4000 дан ортиқ шартномалар имзоланиб, ушбу шартномаларнинг бажарилиши натижасида 1,8 триллион сўмдан ортиқ ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди. Ярмарканинг асосий мақсади мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодий ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилишидир. Бундай вазифаларни талаб даражасида амалга ошириш учун халқ хўжалигининг турли соҳаларида халқаро стандарт талабларига мос бўлган рақобатдош товарларни ишлаб чиқариш учун янги инновацион технологияларни яратиб берувчи Ўзбекистон Республикасини фани муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг стратегик йўналиши бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилган ҳолда илмий-техник ривожланишни амалга ошириш яратилган интеллектуал имкониятларни зудлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан ички бозор талабларини қондириш ва шу сабабли инновацион иқтисодий шакллантириш зарур. Бундай тадбир талабларини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳозирги замон талабларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги замонавий технологияларни, янги ассортиментдаги товарларни, селекция ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмий тараққиётнинг фундаментал ишланмаларини халқ хўжалигига татбиқ этиш ҳозирги давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида халқ хўжалиги тармоқларини глобаллаштириш ҳозирги даврдаги янги инновацион ғояларни, ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга трансфер қилиш орқали замонавий талабларга мос бўлган иқтисодий ривожланишни таъмин этмоқда. Бундай

мураккаб жараёнлар нафақат янги имкониятларни яратади, шу билан бирга унинг ўзига хос таваккалчилик муҳитини яратади. Шу билан бир қаторда инновацион ишланмалар миллий иқтисодиётни ривожлантиришда бозор иқтисодиёти талабларига нисбатан рақобатдош иқтисодиётни шакллантиришда ва унга мослашишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистан Республикасида юқори технологик кўрсаткичларга эга бўлган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш ташқи ва ички бозор учун рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш орқали ўз мавқеига эга бўлмоқ шу куннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу улкан вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳозирги ҳолатини объектив равишда таҳлил қилиш ва бундай масалаларга янги методологик талаблар билан ёндашиш орқали рақобатдош иқтисодий тизимни ташкил этиш лозим. Бундай рақобатдош иқтисодий тизимни амалга оширишда турли иқтисодий йўналишга эга бўлган бозор муносабатларини шакллантиришда пухта ўйланган ва таҳлил қилинган истиқболли модернизацияланган миллий иқтисодни шакллантириш зарур. Иқтисодиётни модернизациялаш халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда бир-бирга боғлиқ соҳалардаги стратегик йўналишлар рақобат муҳитини ташкил этиш умумиқтисодий ривожланиш асосларини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини, ишлаб чиқарилаётган товарларининг юқори рақобатдошлигини таъминлаш корхоналарнинг иқтисодий ўсишига, авваламбор, уларни янги замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда, ишлаб чиқаришни дунё стандартлари **ИСО 9001** талаблари асосида бошқаришга ва ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқаришда катта омил бўлади. Буларни ҳисобга олган ҳолда рақобатдош иқтисодий механизмни ташкил этишда ҳамда кластер назариясидан ҳар томонлама фойдаланиш орқали инновацион ғоя ва ишланмаларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда товар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг халқаро бозорлардаги рақобатдошлиги таҳлил қилинганда, кластерга бирлаштирилган барча шу тармоқдаги фирмаларнинг кластер усулларида фойдаланаётганларига қараб улар фаолиятларининг иқтисодий кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Кластер усуллари қуйидагиларни таъминлайди:

- замонавий инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилганда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни рақобатдошлигини ошириш учун фойдаланиладиган барча ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш ва улар орқали корхонада хизмат қилаётган барча мутахассисларни ахборот билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда кластер талабларини таъминлаган ходимларни рағбатлантириш;

- ишлаб чиқариш фирмаларининг инновацион кўрсаткичлари ўсиши, тезлик билан янги технологик билимлар тарқалиши ҳамда рақобатдошлик босими бошқа фирмаларни ҳам инновацион фаолиятлардан фойдаланишга ундайди;

- ишлаб чиқариш фирмалари янги инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиши натижасида янги ишлаб чиқариш фирмалар бунёд этилишини тезлаштиради.

Юқори кўрсаткичларга эга бўлган кластер стратегиясига кўра юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган корхоналар, асосан, юқори ишчанликка, билимга ҳамда фаолиятлари давомида рақобатдошлик кўрсаткичларига эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Инновация – татбиқ этилган янгиликнинг охириги натижаси ҳисобланиб, у янгиланган объектнинг ташкилий томонлари амалга оширилиши натижасида олинган иқтисодий-ижтимоий, экологик, илмий-техник ва бошқалар фойдасидир.

Янгилик – бажарилган ишларнинг натижаси, у олиб борилган фундаментал, амалий илмий-текшириш ва экспериментал ишларни бирор бир соҳага йўналтириб, юқори фойда олиш. Янгилик – интеллектуал мулк

сифатида кашфиёт, ихтиро, саноат мулки, рационализаторлик таклифи орқали янги ёки янгиланган маҳсулотларга, технологияларга, ишлаб чиқаришда янги бошқарув, ташкилий ва бошқалар: Ноу-Хау, янги яратилган илмий йўналиш, норматив-техник ишланмалар, услублар, таклифлар ва бошқалар маркетинг тадқиқотлари натижалари ҳисобланади.

Инновацион маркетингнинг асосий вазифаларидан бири мақсадга йўналтирилган кидирув, танлов, илмий тадқиқот ишларини режалаш, бажариш ва олинган рақобатбардош ишланмаларни амалга ошириш ва олинган янги ишланмаларни халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳамда бозорларни рақобатбардош товарлар билан таъминлашни амалга оширади.

Инновацион товар ва хизматлар илмий-техник ва янги ғоя, ишланма ва технологиялар ҳамда яратилган интеллектуал мулкни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб унинг натижаларини зудлик билан ишлаб чиқаришга трансфер қилишдир. Инновацион маркетинг ресурслари замонавий илмий-техник ахборотлар ҳисобланиб, улар иқтисодий қиммат турадиган истеъмол бозори ҳисобланади. Уларни кидириш, таниш, мақсадга йўналтирилган ишларни режалаштириш, амалга ошириш ва булар орқали ўз бизнесини ташкил этиш лозим.

Инновацион товарларнинг асосий ўрганадиган йўналишларинг иқтисодий, ташкилий, бошқарув, ижтимоий, психологик, ҳуқуқий омиллари инновацион жараёнларга ўз таъсирини ўтказади, яъни:

- ишлаб чиқариш корхоналаридаги инновацион гуруҳ ишларининг тезлик билан тарқалиши инновацион технологик билимлар юксалишига рақобатбардош босимларни бошқа кластер бўлимларга ўтиб корхона фаолияти юксалишига олиб келади;

- янги билим ва технологияларнинг тезлик билан рағбатлантирилиши ишлаб чиқаришда бўлимларни шакллантиришга сабаб бўлади;

Кейинги йилларда юқори ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган давлатларда кластер стратегиялари ривожланиб бормоқда. Бу эса дунё илм-

фанига янги ғоя ва ишланмаларни яратиш бўйича катта сабоқ бўлмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ишлаб чиқариладиган товарларнинг сифат кўрсаткичлари даражасини оширишда замонавий янги нанотехнологиялар, асбоб-ускуналар, лабораториялар учун аниқлик ва тезликни ошириш учун янги усуллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқилган.

Замонавий кластерлар, асосан юқори билим даражаси, талабларига рақобатбардошлик мезонларига жавоб берувчи марказларда ташкил топмоқда. Ҳозирги вақтда кластер талаблари бўйича олиб борилаётган ишларнинг кўпчилиги иқтисодий томондан ривожланган давлатларда кузатилмоқда. Кластер, асосан янги ғояли илм-фан ютуқларини ҳар томонлама мутахассислар иштирокида ташкил этилиши мумкин бўлган техника ва технологиялар орқали олинган янги ассортиментдаги товарлар ёки хизматларни зудлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини таъминлайдиган ва бозор —чуқурлиги|| янги талаби учун зарур бўлган рақобатбардош товарлар билан таъминлаб, мақсадга йўналтирилган фойдани олишга қаратилган бўлиши керак. Бундай замонавий талабларга жавоб берувчи илмий тадқиқот кўрсаткичлари билан исботланган ва халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга йўналтирилган ишларни кичик бизнес субъектларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Кластер тизимини ташкил этишда кичик ва катта ишлаб чиқариш корхоналар орасидаги горизонтал боғланиш эса бозорда бир гуруҳга оид товарларнинг замонавий талабларга мослигини таъминлайди. Замонавий кластерлар, одатда бир йўналишга йўналтирилган бир қанча ишлаб чиқариш бўлакларидаги шу соҳага тегишли бўлган фирмаларни мақсадга йўналтирилган занжир бўлаклари ҳисобланиб, доимо улар маълум бир маҳсулотлар яратишга ихтисослашган бўлади. Кластер тизими бошқа хўжалик кооперация орқали кичик, ўрта ва катта бизнесдан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- барча тизимдаги ишларни бир-бирига боғлайдиган қисқа ва узок муддатга мўлжалланган режа асосида бошқарув ишини муқобиллаштирувчи бош корхона бўлиши;

- кластер тизимида қатнашаётган хўжалик юритувчи субъектлари асосий қисмининг маълум бир жойда жойлашганлиги;

- кластер тизимида қатнашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг узок ва мустақкам алоқаларини ўрнатиб, бу боғлиқнинг аҳамияти бошқа қатнашувчиларга доимийликни тарғиб этишини;

- бир мақсадга бирлашган қатнашувчиларни узок даврга мўлжалланган инновацион ишлаб чиқариш режаларини мувофиқлаштириш;

- бошқарув тизимиининг барча режалаштирилган ишлари сифатини ва ишни ўз вақтида бажаришни таъминлаш.

Кластер усулларининг бошқа усуллардан фарқи умумий кооперацияли ишлаб чиқаришда асосий йўналиш истиқболли кластер мўлжаллари ҳозирги даврдаги рақобатбардошлик устунлигини амалий жиҳатдан ишлаб-чиқаришдаги инновацион технологиялар ташкилий, бошқарув ишлари ва ишлаб чиқарилган товарларни истеъмолчиларга йўллаш ҳисобланади.

Кластер моделини ташкил этишда товарлар рақобат мезонини ўрганиб ва уни истиқболлаб, рақобатдаги биринчиликка ҳаракат қилинади. Бу эса кластер усулидаги энг керакли ўзаро боғланишни, технологияларни, ахборотлар таъминотини, ишлаш услуби орқали мақсадга йўналтирилган комплекс ишларини бош фирма режалаштиради ва унинг ижросини таъмин этишда барча иштирокчилар билан ўзаро келишилган ҳолда мақсадни амалга оширади. Бундай ўзаро боғланиш мақсадга йўналтирилган инновацион мавзуларни амалга оширишда ҳамда рақобатбардош маҳсулотларнинг охириги намуналарини яратишда имкон беради.

Замонавий фан ва технология тобора рақобатли бозор курашига жалб қилиб борилмоқда. Фундаментал билимлар ва уларнинг якуний маҳсули - илмий техник маҳсулот—иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитларида

давлатларнинг геосиёсий манфаатларини амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги ўсишини, мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати, таълим, фан ва маданиятнинг ривожланиши, муҳофаза қилиниши бевосита юқори технологияли комплексни таркибий-технологик қайта тузишга боғлиқ бўлмоқда. Бу соҳада юқори малакали илмий, тадқиқотчи ва муҳандис кадрлар салоҳияти катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишининг таклиф этилган йўлини амалга оширишда ишлаб чиқариш комплексини замонавий юқори технологиялар билан таъминлаш бўйича стратегик вазифани ҳал этишга имкон беради.

Ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан фойдаланиш, бу соҳада аввало, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациядан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бундай жараёнлар бутун дунёда бўлиб бормоқда. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган бўлиб, мамлакатимиз унга тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиб кириши, айрим йўналишларда эса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун эса миллий технологик даражада етарлича юқори бўлиши зарур.

Ҳозирги пайтда амалдаги иқтисодий тараққиёт ва муваффақиятлар фақат янги (фундаментал ва амалий) билимлар, янги технологиялар ва уларни ишлаб чиқаришда жадал ўзлаштириш усуллари асосланиши мумкин; бунда билим ва технологияларнинг аксарияти иккиёқлама (ҳарбий ва фуқаролик) йўналишга эга бўлади:

- янги билим олиш ва янги технологиялар ишлаб чиқиш ҳақида ғамхўрлик давлат ва барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг умумий иши бўлиши лозим; бунда давлат илмий техник, технологик ва конструкторлик ишламалари (ИТТКИ)ни умумий мувофиқлаштириш, фундаментал тадқиқотлар ва рискли, лекин катта фойда келтириши мумкин бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

- юқори технологияли маҳсулотлар билан халқаро бозорга чиқиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа барча турларига нисбатан анча самарали бўлади; демак, мамлакатимизни ривожланган давлатлар ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига имкон берувчи халқаро ҳамкорликнинг ҳар хил турлари ишга туширилиши лозим.

- аксарият юқори технологияларнинг муҳимлиги ва тижорат нуктаи назаридан жозибадорлиги юқори технологияли фаолият соҳаларига хорижий давлатлар махсус хизматлари ва жинойтчи гуруҳлари эътиборини жалб қилади. Шунинг учун мамлакатнинг юқори технологияли тармоқларини айрим ходимлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда давлатимизга тажовузларидан саклаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ички бозори хорижий товарлар учун очиқлиги шароитларида мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятини рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати белгилаб беради. Мамлакатимиз бой бўлган нефть ва бошқа табиий ресурсларга ҳали узоқ вақт давомида талаб катта бўлади. Халқаро меҳнат тақсимоотида мамлакат хомашё субъекти ўрнини эгаллаб, табиий ресурсларни эксплуатация қилиш маҳсулини жаҳон бозоридаги истеъмол ва инвестицион товарларга алмаштириш мумкин эди. Бироқ бундай ҳолат бир қатор сабабларга кўра мамлакатни кониктирмайди. Аввало, шуни эътиборга олиш керакки, мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг катта қисми қайта ишлаш саноатида меҳнат қилади. Хомашё ва қайта ишлаш саноати марказлари географияси эса шундай жойлашганки, бу аҳоли бандлигини кўнгилдаги даражада таъминлашга ҳозирча имкон бермаяпти. Шу сабаб асосан иқтисодиётнинг хомашё секторини ривожлантиришга йўналиш мамлакатни нафақат сиёсий-иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий ва психологик жиҳатдан ҳам қониктирмайди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётининг кўрсатишича, мудофаа йўналишидаги илмий лойиҳа ва технологияларнинг 50-60%и потенциал самарадорлиги юқори бўлиб, улар фуқаро сектори учун маҳсулотлар ва иккиёқлама йўналишда қўлланивчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда

фойдаланилиши мумкин. Иккиёқлама йўналишда қўлланувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олиш юқори технологияли комплекснинг барқарор бўлмаган бюджет ажратмаларига мослашувчанлигини оширишга, улардан фуқаро секторида фойдаланиш эса жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширишга имкон беради. Айнан шу сабабли халқаро техник қўмиталар ва унинг маҳсулотларини жаҳон савдо тизимлари орқали сотиш мамлакатнинг илмталаб фуқаро саноатининг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашади.

Фан-техника тараққиётининг асосий таркибий қисмларидан бири инновацион фаолият, иқтисодий ривожланишнинг мазкур йўналишида фаолликни таъминловчи омилларни, шунингдек, инновацион жараёнларни қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи ташкилий тузилмалар хусусиятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳақида юқорида шакллантирилган тезис жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги вазиятда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш устувор ҳисоблансада, бир қатор сабабларга кўра бугунги кунда уни амалга ошириб бўлмаяпти.

Таъкидлаш мумкинки, ҳозирги пайтда мамлакатда инвестицион фаолият амалга оширилаётган шароитлар қуйидагича тавсифланади:

- қонунчилик томонидан яқин, ўрта ва узоқ истиқболларга белгиланган миллий мақсадлар ва уларга эришиш бўйича аниқ ифодаланган механизмларнинг яратилганлиги;

- макроиқтисодий барқарорлик вазифаларига бўйсундирилган давлат тизимлари фаолияти натижалари доим ҳам технологик ривожланиш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадларига мос келавермаслиги, айрим ҳолларда эса унга зид келиши;

- мамлакатнинг миллий ҳавфсизлиги, иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши манфаатларини таъминлаш воситаси сифатида инновацион

фаолиятга давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш эҳтиёжларининг ҳозирги сиёсий даражада аниқ ифодаланмаганлиги.

Мамлакатнинг миллий мақсадларини амалга оширишга кўмаклашувчи инновацион сиёсат ўтказишни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- миллий хавфсизликни таъминлаш;
- иқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиётнинг имкониятларини кенгайтириш ва умумий қувватини ошириш;
- саноатни технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида мамлакатимиз товар ва хизматлари рақобатбардошлигини ошириш;
- табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этиш;
- аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, муносиб турмуш тарзини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим олиш учун имкониятлар яратиш;
- озиқ-овқат, ҳомашё, материал ва энергияга бўлган миллий эҳтиёжларни кафолатли таъминлаш.

Бошқа мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда инновацион жараённинг таркибий қисмларини қуйидагича акс эттириш мумкин:

- академик ва тармоқ институтлари, университетлар ва фирмаларнинг илмий-тадқиқот бўлинмалари улар давлат томонидан молиялаштирилувчи ёки бошқа турда қўллаб-қувватланувчи фундаментал илмий тадқиқотлар ва изланиш лойиҳалари учун масъул бўлади. Санаб ўтилган ташкилотлар ҳисоботлар, турли ҳужжатлар, ихтиролар, илмий мақолалар шаклида интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқаради ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади;

- техник ва саноат-техник ташкилотлар — улар инновацион —ноу-хауга эга бўлиб, бошланғич лойиҳалар устида ишлайдилар, синов намуналари яратиш ва уларни санаб кўриш билан шуғулланадилар, техник тавсифлар, патентлар, стандартлар ва регламент тайёрлайдилар. Мазкур тузилмалар

намуналар тайёрлаш учун кучли ишлаб чиқариш қувватлари, профессионал ва технологик марказларга эга бўлиши керак;

- илмий ва муҳандис техник ходимлар, шунингдек, инновацион фаолиятнинг жорий муаммоларини ечишда талаб қилинувчи малакали кадрлар учун таълим ва ўқитиш тузилмалари;

- тадқиқот ва лойиҳалар бажарилишини назорат қилувчи ҳамда уларнинг саноат сектори билан ўзаро алоқаларини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар;

- маҳсулот ва хизматларга талабни ва уларнинг тарқалишини ўрганиш билан шуғулланувчи консалтинг ташкилотлари;

- илмий-техник ахборот хизматлари — улар истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланади;

- истеъмолчилар ва маҳсулотни сотиш масалалари билан шуғулланувчи профессионалларни бирлаштирувчи бозор тизимлари.

Юқорида санаб ўтилган структура бирликлари ўртасидаги алоқалар схемаси мураккаб бўлиб, бевосита алоқаларни ҳам, воситачилар ва тақсимот тармоқлари ҳамкорликни ҳам қамраб олади.

Хорижий мамлакатларда технологияларни яратиш ва уларнинг трансфери соҳасидаги давлат сиёсати саноат ва илмий-техник сиёсатнинг устуворликларидан бири бўлиб, уларни мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион қайта қуришни таъминлашда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бунда асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолият жараёнида, миллий, ҳарбий, саноат ва жамоатчилик манфаатларига жавоб берувчи технологиялар яратишда ҳавфсизликни таъминлаш;

- илмий-техник фаолият натижалари ва янги илғор технологияларни фаол жорий қилиш, илмий тадқиқотлар ва истиқболли лойиҳалар натижаларига тааллуқли илмий-техник ахборотларни кенг тарқатиш, мамлакатнинг илмий-техник, технологик ва улар асосида иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини ошириш;

- ички ва ташқи бозорларда илмталаб қилувчи маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фан-техника тараққиётининг учта асосий йўналишидан фойдаланиш мумкин:

- а) анъанавий йўналиш;
- б) замонавий йўналиш;
- в) истиқболли, устуворлик йўналишлар.

Инновацион технологияни халқ хўжалигига татбиқ этишда иқтисодий самарадорликни қуйидаги усулларда баҳолаш мумкин:

- янги техника ва технологияларни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш керак. Шу сабабли янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур;

- фан-техника тараққиёти тадбирларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаш тартиби услубий қўлланмаларда изохлаб берилган.

Уларга қуйидагилар киради:

- капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича намунали методика;

- халқ хўжалигида янги техника, ихтирочилик ва рационализаторлик тавсифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси;

- корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари бошқаруви автоматлаштирилган тизимининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услубияти;

- бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими самарадорлиги;

- меҳнатни илмий ташкил этиш (МИТ) бўйича чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубияти;

- атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган харажатларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун вақтинчалик услубият.

Ундан ташқари, тармоқ вазифалари, илмий-текшириш институтлари, лойиҳа ташкилотлари, олий ўқув юртлари ҳам услубий материаллар тайёрлашлари мумкин.

Янги инновацион техникани яратиш орқали амалга оширилади, яратилган ва жорий этилаётган ишлама самарали ёки самарасизлигини билиш, демак, самарани ўлчаш ва баҳолаш керак.

У қандай қилиб аниқланади?

Янги ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлиги барча ишлаб чиқариш тармоқларида, илмий-текшириш институтларида, лойиҳалаш ташкилотларида тегишли тадбирларни аввалги йиллардаги ўзлаштириш натижаларини ифодаловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

Илмий-техникавий тадбирларнинг кўп йиллик тажрибаларига асосланган турли кўрсаткичлар, жумладан, машина ва техникавий воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида эришиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик қуйидагича аниқланади:

$$E = Z_1 \cdot a - Z_2 \cdot P \cdot A_2 - S$$

Бу ерда: Z_1 ва Z_2 — мавжуд ва янги техника ёрдамида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатлари;

a - янги техникавий воситаларнинг сифатини, нисбий афзаллигини ифодаловчи коэффициент;

A_2 - янги техника жорий этилгандан кейин унинг ёрдами билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми;

S - янги техникани лойиҳалаштириш харажатлари ҳисобланади.

$$a = \frac{Q_2 P_1 + E_H}{Q_1 P_2 + E_H}$$

Бу ерда: Q_1 ва Q_2 - мавжуд ва янги техникавий воситалар бирлиги ёрдамида йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

P_1 ва P_2 - мавжуд ва янги техникавий воситалар қийматида уларни тиклаш учун ажратмалар салмоғи;

P - янги техникадан фойдаланиш даврида эришиладиган самарадорлик.
У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{U_1^1 - U_2^1 - E_H K_2^1 - K_1^1}{P_2 + E_H}$$

Бу ерда: U_1^1 ва U_2^1 - мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш давридаги жорий харажатлар;

K_1^1 ва K_2^1 - мавжуд ва янги техникадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмалар;

E_H - капитал қўйилмаларининг норма даражасидаги самарадорлик коэффиценти.

Янги техника самарадорлигини ҳисоблаш қиёсий самарадорликни аниқлаш тамойилларига асосланади. Янги техникадан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси асосида амалга оширилади. Бу методикага биноан иқтисодий самара қуйидаги формула ёрдамида ифодаланади:

$$C = X_1 - X_2 \times A_2$$

Бу ерда: C - йиллик иқтисодий самара, сўм; - янги техника ёрдами билан тайёрланган маҳсулот бирлигига сарфланган қайтарилган харажатлар;

A_2 - ҳисобот йилида янги техника ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми.

Янги техника ва технологиянинг иқтисодий самарадорлигини режалаштириш ва башорат қилишда унинг бир қатор асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга, жумладан, фойданинг кўпайиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, меҳнат, моддий ва капитал сиғимининг пасайиши, маҳсулот таннархининг камайишига таъсир этиши ҳисобга олинади. Масалан, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобига олинadиган режали фойданинг кўпайиши қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta F_t = B_t - T_t * A_t - B_i - T_i * A_i$$

Бунда: ΔF_t - келгуси даврда фойданинг ошиши (сўм ҳисобида);

B_t ва T_t - корхона улгуржи баҳоси ва янги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннари;

B_i ва T_i - корхона улгуржи баҳоси ва алмаштириладиган маҳсулотнинг янги техниканинг жорий этилгунгача бўлган йилдаги таннари (сўм ҳисобида);

A_t ва A_i - келгуси даврда ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот ва янги техникани жорий этишгача бўлган йилдаги алмаштириладиган маҳсулот ҳажми (сўм ҳисобида).

Янги инновацион техника самарадорлигини ҳисоблаш ва таҳлил этишда унинг ижтимоий натижалари ва оқибатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Улар жумласига, меҳнат шароитларини яхшилиш, хавфсизлик ва қулайликни таъминлаш, ходимларнинг билими ва илми ҳамда малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон фаолияти учун энг яхши шароитлар яратилиши киради.

1-боб бўйича қисқача хулоса

Инновацион технологиялар трансфертини ривожланишининг назарий асосларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳозирда иқтисодиёт илмида инновацион ривожланишнинг кўплаб назариялари, концепция ва гипотезалари мавжуд. Одатда ушбу назария ва концепциялар ўзидан олдингиларнинг бирлаштирувчи давоми ҳисобланади;
- инновацион ривожланиш назарияси асосининг шаклланиши даврлар ва инқирозларнинг умумий назарияси вужудга келиши доирасида содир бўлган. У Кондратьевнинг “катта тўлқинлар назариясини ривожлантириш натижасида шаклланди;
- инновацион ривожланиш назарияси шаклланишининг учинчи босқичида асосий эътибор ҳудудий жиҳатга, яъни турли мамлакатлар ва маданиятларнинг инновацион фаолликларидаги тебранишларга қаратилди.

- ИТнинг асосий қийинчиликларидан бири шундаки, ғоя муаллифини муваффақият қозонишига ишонтира олиш керак, чунки у ўзи мустақил маҳсулотни охиригача ҳеч қачон етказа олмайди. Унинг ғояси занжирсимон тарзда қўлдан-қўлга ўтиши, **яъни** "назариётчи-ихтирочи", "тадқиқотчи-амалиётчи", "тадқиқотчи-технолог", "технолог-ишлаб чиқарувчи", "маркетолог-сотувчи" бўлиб ўтиши ҳамда ушбу чархпалакка инновацион марказларни, маъмуриятни, банкларни ва маҳсулотни қўллаб-қувватловчиларни жалб эта олиши керак.

II-БОБ. Ташқи инновацион фаолият ривожланишига технологиялар трансферининг таъсири

2.1. Технологиялар трансферининг ташқи инновацион фаолиятга таъсири

Жаҳон иқтисодиётида инновацион изланишлар натижаси бўлган маҳсулотларга рақобатнинг ошиб бораётган шароитда, мамлакат сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистонни инновацион ривожланиш йўналишига олиб чиқиш ҳисобланади. Иқтисодиёт ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш бугунги кунда инновацияга йўналтирилган иқтисодиёт учун асос ҳисобланади. Бу ҳамкорлик янада самарали бўлиши учун давлат, ихтирочилар, инвесторлар, тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачилар барчаси бирлашиб, интеллектуал капитални яратишлари лозим.

Интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиш эса ўз навбатида, корхона ва ташкилот эгаларига ва умуман давлатга иқтисодий ва хўжалик фаолиятларининг самарасини ошириш имкониятини яратишга, ишбилармонликнинг ўсишига, мамлакат иқтисодий ўсишининг барқарорлигини ҳамда жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлади.

Мамлакатнинг иқтисодий кучини ва унинг фаровонлигини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бу иқтисодиётнинг интеллектуал капитални яратиш ва ундан самарали фойдалана олиш қобилиятидир. Ушбу йўналишда етакчи бўлган давлатлар бугунги кунда рақобатчиликда устунликка эгадирлар. Бу эса уларга ўз навбатида жаҳон иқтисодий жараёнининг динамикасига таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

Ўзбекистон шароитида, табиий ва меҳнат ресурслари, илмий салоҳият етарли, лекин жаҳон бозорига рақобатбардош товар ва хизматларни таклиф қилиш учун фан ва техниканинг илғор натижаларини ишлаб чиқариш, бошқариш жараёнларига татбиқ қилиш борасида жаҳоннинг иқтисодий

ривожланган давлатларидан анча орқада. Бу эса ўз навбатида бошқарувчиларнинг, ходимларнинг, бўлажак кадрларнинг ва умумий аҳолининг интеллектуал билим савиясини, интеллектуал мулк ярата олиш қобилиятини сифат жиҳатдан ривожлантиришни талаб этади.

К.Хубиевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда жаҳонда энг муҳим ресурслар учун кучли кураш кетмоқда. Улар қаторига захираси чекланган, тикланмайдиган хомашё ресурслари ҳамда қайта ишлаб чиқиш мумкин бўлган технологик ва интеллектуал ресурслар киради. Замонавий рақобатчилик ушбу ресурсларга жуда боғлиқдир¹⁸.

Ҳозирги кунда технологиялар трансферини ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- инновацион технологияларни, шу жумладан хорижий инновацион технологияларни мустақил экспертизадан ўтказиш, мослаштириш ва мамлакатимиз амалиётига жорий этиш;
- илмий-техник ишланмаларни тижорат сотуви объекти сифатида ишлаб чиқаришга жорий этиш лойиҳаларини тузиш ва амалга ошириш;
- илмий-техник ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш соҳасида халқаро илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш.

Замонавий жамиятда инновацион технологияларга материал, энергетика ва инсон ресурслари билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг муҳим ресурси сифатида қаралмоқда, билим замонавий ишлаб чиқариш ва рақобатбардошликда устун бўлишнинг муҳим шарти ва белгиловчи омилларидан бирига айланиб бормоқда. Интеллектуал фондлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида, тобора жисмоний ва молиявий фондларни сиқиб чиқармоқда.

¹⁸ Хубиев К. О содержании «новой экономики» //Экономист, 2008. №5. С. 63-71.

Корпорацияларнинг институционал назариясини ишлаб чиққан Дж. Гелбрейтнинг таърифига кўра, “Кўпинча инсон интеллектига инвестиция қилинган (тикилган) доллар, темир йўллар, плотиналар, машина ва бошқа капитал қўйилмаларга инвестиция қилинган долларга нисбатан миллий даромаднинг кўпроқ ўсишига олиб келади”¹⁹.

Технологиялар трансфери биринчи навбатда, интеллектуал капиталнинг иқтисодиёт ва умумий жамият манфаатлари учун хизмат қилишини таъминлаш жараёни билан боғлиқ. Бундан ташқари, ташқи бозорда рақобатбардошликни оширишнинг асосий омили - бу интеллектуал капитални ривожлантириш ва ундан ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида фойдаланишдир.

В.Л.Иноземцев интеллектуал капитални ишчиларнинг илмий ва одатий билимларини, интеллектуал мулк ва йиғилган малака, тажрибаси, мулоқот ва информацион таркиб, информацион тўр ва фирманинг имиджини шакллантирувчи “жамоат мияси” сифатида таърифлайди²⁰.

Г.В.Чернолес “Интеллектуал мулк - бу алоҳида олинган ишчиларнинг ва умумий ташкилотнинг кодлаштирилган ва материаллаштирилган ахборот ҳолатидаги, ташкилот ишчиларининг қобилияти, тажрибаси ва умумий билимларини акс эттирувчи, рақобатчиликда устунликка эришишда фойдаланиш мумкин бўлган интеллектуал фаолияти натижасидир”- деб таърифлайди²¹.

Ф.Е.Степанова “Инновация бирданига пайдо бўлиб қолмайди, инсонларнинг маълум мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари натижасида, етарлича мақбул шароитда пайдо бўлади. Интеллектуал капитал эса - бу

¹⁹ Гелбрейт Д. Экономические теории и цели общества/ под ред. Иноземцевой Н.Н. //М.: Прогресс, 1979, с 406

²⁰ Иноземцев В.Л. //К теории постэкономической общественной формации.-М.: Akademia. 1995. С 340.

²¹ Чернолес Г.В. //Интеллектуальный капитал предприятия: стратегия управления и методика оценки. Автореферат, Санкт-Петербург-2009

доимий ривожланишдаги инновация капитали, яъни янги билимларни янги товар ва хизматларга узлуксиз айланиш жараёнидир”- деб таърифлайди²².

Е.М.Быстрова “Интеллектуал капитал - инсонларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва ишлаб чиқариш жараёни давомида даромадни ва бошқа иқтисодий ҳамда техник натижаларни максималлаштириш мақсадида фойдаланиладиган патентлари, маълумотлар базаси, дастурий таъминот,товар белгилари ва номоддий активларидир”- деб таърифлайди²³.

Интеллектуал капиталга қисқа вақт ичида номоддий кўринишдан даромад кўринишига айлантира олиш мумкин бўлган капитал, яъни ишчиларнинг билими, малакаси, маҳорати, тажрибаси, ҳамда номоддий активлар (дастурий таъминотлар, патентлар, маълумотлар базаси, товар маркалари ва бошқалар) киради.

Бугунги кунга келиб, интеллектуал капиталнинг турли модель ва назариялари мавжуд. Шу сабабдан ҳар қайси модель бир-бирини такрорламайди ва ҳар бир корхонада ўзига ҳос хусусиятини тасвирлайди. Деярли барча тадқиқотчилар интеллектуал капитални учта ташкил этувчига ажратадилар: инсон капитали, тузилмавий капитал ва мижоз (истеъмол) капитали. Ҳар бир модель ўз ўрнида ташкил этувчи элементлар ва улар орасидаги муносабатларни асослаб беради.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларини умумлаштириб, интеллектуал капиталнинг қуйидаги характерли жиҳатларини айтиш мумкин:

- замонавий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш тенденцияларини капиталнинг айнан шу шакли белгилаб беради;
- интеллектуал капитални шакллантириш инсоннинг ўзидан ва бутун жамиятдан етарли даражада ва доимий ўсиб боровчи ҳаражатларни талаб қилади;

²² Степанова А.Е. //Интеллектуальнкй капитал как фактор развития инновационной экономики. Автореферат., Ставрополь-2010, 3 с

²³ Быстрова Е. М. //Роль интеллектуального капитала в экономической, социальной и правовой культуре общества XXI века: сборник научных трудов участников Международной научно-практической конференции. —СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015.-с-34.

- интеллектуал капитални жамғариш билим, кўникма, малакаларни доимий ошириб бориш асосида амалга оширилади;

- интеллектуал капитални жамғариб бориш жараёнида унинг иқтисодий самараси ошиб боради.

Умумжаҳон банки ҳамда БМТнинг ривожланиш дастури²⁴ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда сайёрамизнинг жисмоний капитали, бошқача қилиб айтганда йиғилган материал бойликлар умумий бойликларнинг 16 %инигина ташкил қилади, табиий бойликлар 20 %ини, инсон капитали эса ёки инсониятга инвестиция қилинган қўйилмалар 64 %ни ташкил қилади (кўпгина ривожланган давлатларда 80 % гача).

Дунёда интеллектуал капитални белгиловчи асосий омиллардан бири илм-фаннинг ривожланганлик даражаси ҳисобланади. Фаннинг иқтисодиётдаги улушини белгиловчи кўрсаткичлардан бири эса, патент олиш учун берилган аризалар сонидир (2.1.-жадвал)

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ихтиролар, илмий-техник ишланмаларни патентлаш ва ҳимоя қилишнинг бошқа методлари бўйича Интеллектуал мулк давлат реестрларида рўйхатга олинган объектлар сони

Интеллектуал мулк объекти тури	2010	2011	2012	2013	2014	жами
1	2	3	4	5	6	7
Ихтиролар	105	97	80	94	293	669
Фойдали моделлар	19	30	41	60	168	318
Саноат намуналари	10	21	13	16	102	162
Товар белгилари	11	16	11	24	1708	1770
Жами	145	164	145	194	2271	2919

Манба: автор томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2011, 2012, 2013, 2014 йиллар учун чиқарилган «Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан» нимли бюллетени асосида тузилган.

²⁴ Годовой отчет всемирного банка 2015. <http://www.worldbank.org/ru/about/annual-report/regions/mena#1>

2.1.2-жадвал

Россия Федерациясининг интеллектуал мулк бўйича федерал хизмати томонидан интеллектуал мулк объектларига берилган патентлар динамикаси

Интеллектуал мулк объекти тури	2010	2011	2012	2013	2014	жами
1	2	3	4	5	6	7
Ихтиролар	30322	29999	32880	31638	33950	158789
Фойдали моделлар	10581	11079	11671	12653	13080	59064
Саноат намуналари	3566	3489	3381	3461	3742	17639
Товар белгилари	35178	35954	40106	37813	42298	191349
Жами	79647	80521	88038	85565	93070	426841

Манба: Российский статистический ежегодник
015www.gks.ru/wps/wcm/connect/rosstat_main/.../doc_1135087342078

2.1. ва 2.2.- жадваллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга олинган интеллектуал мулк объектлари сонига кўра Ўзбекистон анча орқада. Ўзбекистонда илмий техник салоҳият мавжуд, лекин тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижавийлигини ошириш масаласи долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон илмий ташкилотларининг асосий улуши (88%) давлат мулки ҳисобида (АҚШ-39%, Буюк Британия-45%, Германия-82%, Япония-96%). Шунга кўра уларнинг фаолият юритиши билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси етарли даражада бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқарувчилар, илмий ишланмаларни амалга ошириш харажатларини иқтисод қилиб, тайёр технологияни хориждан сотиб олишни афзал биладилар.

Илмий тадқиқот натижалари ва ишланмаларини бизнесга татбиқ қилишга тайёр, уни молиялаштириш истагида бўлган тадбиркорлар жуда камчиликни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг асосий ҳажми реал секторда фаолият юритаётган фирма

ичидаги фан тадқиқотлари ҳажмига тўғри келади (Европа Иттифоқида 65%, Японияда 71%, АҚШда 75%).

Аввалом бор шуни таъкидлаш зарурки, фундаментал ва амалий тадқиқотларни бошқариш ва молиялаштириш соҳасидаги ўзгаришлар мамлакатдаги мавжуд кўпгина машҳур илмий мактабларнинг йиққ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, инновацион муҳитнинг институционал таркиби ва механизми бозор иқтисодиётигача бўлган даврда шаклланди. Бу албатта илмий тадқиқот ишланмалари натижаларининг тижоратлашуви даражасига таъсир этувчи салбий омиллардан биридир. Айни вақтда иқтисодий ривожланган давлатларда фан, мамлакат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистонда ҳам бу борада жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар йили Ўзбекистонда Давлат бюджети харажатларининг катта қисми янги ўқув юр்தларини куриш, таълимнинг сифатини яхшилаш, таълим моделини қайта куриш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадида таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Бу-таълим самарасининг ошишига ва ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялашга кучли импульс берди.

Республикада инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг барча имкониятлари мавжуд. Бу борада мамлакатимизда инновацион инфратузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантириш ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги, 1998 йил 19 январдаги “Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2004 йил 7

сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрда тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, 2011 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда, қарорлари шулар жумласидандир.

Бу қонунларнинг амалга татбиқ қилиниши натижасида республикамізда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари сони, ҳажми ва уларга ажратилган харажатлар ҳажми [8] жиҳатидан йил сайин ортди. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи ташкилотлар сони 2012 йилдаги 313 тадан 2015 йилда 323 та, илмий тадқиқот ишлари сони 2012 йилдаги 247 тадан 2015 йилда 267 тага ортди.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳажми 2015 йилда 339856,9 млн. сўм (2012 йилда 202402,2 млн. сўм)ни; ўз маблағлари ҳисобидан олиб борилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳажми 2015 йилда 315327,3 млн. сўм (2012 йилда 198286,6 млн. сўм)ни; илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган харажатлар ҳажми 2015 йилда 365160,1 млн. сўм (2012 йилда 197914,1 млн. сўм)ни; ўз маблағлари ҳисобидан олиб борилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган харажатлар ҳажми 2015 йилда 354510,2 млн. сўм (2012 йилда 192731,2 млн. сўм)ни ташкил этди.

Мамлакат иқтисодийётини барқарор ўсишини таъминлаш, инновацион тизимни йўлга қўйиш учун мамлакатнинг интеллектуал потенциалидан самарали фойдаланиш лозим. Бу борада жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал капитални шакллантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги ишларни амалга ошириш:

- мамлакатнинг инновацион сиёсатини; инновацион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган бюджет сиёсатини; кадрлар сиёсатини такомиллаштириш;

- таълим соҳасидаги ислохотларни; соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни; аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш;

- интеллектуал капиталдан самарали фойдаланишни таъминлашни; интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини; ундан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини; фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимини такомиллаштириш лозим.

2.2. Экспорт салоҳиятини юксалтиришда технологиялар трансферини амалга ошириш (саноат тармоғи мисолида)

Саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини юксалтиришда режалаштирилган инновацион лойиҳалар ва маҳсулот сифати ва рақобат муҳитини кучайтириш йўллари юзасидан бир қатор фикрлар берилган.

Бизнингча, мамлакат иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатини янада такомиллаштириш зарур. Саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун: мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш; анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва улар экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; қўшилган қийматга эга бўлган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш учун 2014 йилда ҳудудий саноатни ривожлантириш доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган инновацион лойиҳалар қуйидагича режалаштирилган. Шунингдек, 2013 йилда жами инновацион лойиҳалар сони 5422 тани, 2014 йилда 4918 тани ташкил этган. Бу инновацион лойиҳаларнинг барчаси ҳудудий ривожланиш учун тузилган. Лойиҳалар сони 2013 йилга қараганда камайган, яъни 90,7 фоизни, жумладан инвестиция ҳажми ҳам камайган, 80,4 фоизни ташкил этган, лекин яратилган янги иш ўринлари сони 2013 йилга нисбатан ортган, 112,9 фоизни ташкил этган.

2014 йилда режалаштирилган инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳудудлар кесимида тақсимланганда энг кўпи Андижон вилоятида 736 та умумий қиймати 69,1 млн.долларли инвестиция, Фарғона вилояти 521 та 92,3 млн.доллар, Сурхондарё вилоятига 458 та қиймати 64,5

млн. доллар, Самарқанд вилояти 442 та қиймати 135,7 млн. долларни ташкил этади²⁵.

2.2.1-жадвал

2014 йилда ҳудудий ривожланиш дастурлари доирасида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар

Ҳудудлар	2013 йил			2014 йил			Ўсиш суръати, %		
	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми, млн.дол.	Янги иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми, млн.дол.	Янги иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми, млн.дол.	Янги иш ўрни
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Қорақалпоғистон	295	51,0	3720	290	34,1	6555	98,3	66,9	176,2
Андижон	772	144,2	10923	736	69,1	11689	95,3	47,9	107,0
Бухоро	244	459,6	3567	274	53,7	8030	112,3	11,7	225,1
Жиззах	279	107,4	7255	225	75,7	5255	80,6	70,5	72,4
Қашқадарё	252	167,4	4648	312	166,5	6206	123,8	99,5	133,5
Навоий	205	182,8	1977	205	68	5988	100,0	37,2	302,9
Наманган	393	52	7582	372	58,9	7839	94,7	113,3	103,4
Самарқанд	405	186	8725	442	135,7	9268	109,1	73,0	106,2
Сурхондарё	323	54,6	7198	458	64,5	10110	141,8	118,1	140,5
Сирдарё	310	42,6	7348	280	90,3	7307	90,3	212,0	99,4
Тошкент	391	313,4	9993	232	548,3	9123	59,3	175,0	91,3
Фарғона	458	114	8913	521	92,3	11728	113,8	81,0	131,6
Хоразм	325	56,9	4440	237	119,8	6274	72,9	210,5	141,3
Тошкент ш.	770	362,6	15326	334	268,9	9314	43,4	74,2	60,8
Жами	5422	2294,8	101615	4918	1845,8	114686	90,7	80,4	112,9


Манба. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

²⁵ Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» // Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь, №13 (5943).

Ушбу киритилган хорижий инвестициялар киритишдан мақсад республикада аҳоли бандлигини ошириш, яъни улар учун янги иш ўринларини барпо этишдир.

Шунингдек, саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда уларда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган, жумладан, 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган саноат тармоқлари учун инвестицион лойиҳалар дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Хусусан, нефть-газ тармоғига 21536 млн. доллар, тоғ-кон ва металлургия саноатига 1876 млн. доллар, машинасозлик саноатига 1176 млн. доллар, энергетикага 4517 млн. доллар, қурилиш молларини ишлаб чиқариш саноатига 983 млн. доллар, кимё саноатига 3078 млн. доллар, транспорт ва инфратузилма саноатига 5787 млн. доллар, енгил саноатга 870 млн. доллар, “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси”га 596 млн. доллар ва бошқаларга 2101 млн. доллар йўналтирилади²⁶. Ушбу маблағларнинг тахминан 50 фоиз хорижий инвестициялари, 30 фоиз Ўзбекистон корхоналари ва компанияларининг хусусий маблағлари, 20 фоиз Ўзбекистон тижорат банкларини қайта қуриш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларига тўғри келади (2.2.1-расм).

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.



2.2.1-расм. 2009-2014 йилларда режадаги инвестиция лойиҳалари
Манба.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида
тузилди.

Демак, 2009-2014 йилларда тўқимачилик саноати ва машинасозлигини ривожлантириш жараёнига ёш кадрларни ҳамда малакали кадрларга талаб, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб қилиш, янги тикувчилик ва бошқа турдаги корхоналарни очиб, иш ўрнини кўпайтириш режалаштирилган. Булар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истикболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос. Шунинг учун расмдаги маълумотларда энг етакчиси нефть ва газ тармоғи, тоғ- кон металлургия саноати, енгил саноат ҳамда “Навоий” эркин индустриал корхонасига озроқ жалб қилинган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қуйидаги омиллар мавжуд:

- инвестиция лойиҳалари билан шуғулланувчи шахсларни рағбатлантириш;


- саноатнинг устувор соҳалари, ёқилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестиция лойиҳаларининг тузишни жадаллаштириш;

- иқтисодиётда илм-фанга талаб кучли тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестицион лойиҳаларни амалга киритилиши.

Демак, саноат корхоналарида экспорт салоҳиятини ошириш учун бугунги кунда маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида ривожлантирилмоқда. Биз асосан саноат тармоқларини экспорт салоҳиятини ошириш учун экспортбоп маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш асосида шаклланади. Бунинг учун қуйидаги 2.2.2-расмга қаранг.

Рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш корхоналарнинг самарали ишлаши ва беқиёс ривожланишининг зарур шarti бўлиб қолмоқда. Барча турдаги янги товарлар саноат тармоқлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, кичик бизнес субъектлари томонидан ўзлаштирилиб боришмоқда. Турли фаолият соҳалари бўйича янги корхоналарнинг ташкил этилиши, яъни саноат тармоқлари, хусусан, автомобилсозликнинг ривожлантирилиши пировард натижада Ўзбекистон товар обороти таркибида, унинг экспорт ва импортида ўз ифодасини тошмоқда.

Бизнингча Ўзбекистон автомобилсозлик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш стратегияси ривожланган узоқ хорижий мамлакатларга эмас, балки ривожланаётган узоқ хорижий мамлакатлар томон қаратилмоғи лозимдир. Чунки ривожланган хорижий мамлакатлар бозорлари сегментининг катта қисми дунёда автомобилсозлик саноати бўйича шухрат қозонган йирик трансмиллий корпорациялар томонидан забт этилган бўлиб, ушбу ҳолат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг мазкур бозорларда айирбошлаш имконларини чегаралаб қўяди ёки харид нархининг тушишига сабабчи бўлади.



2.2.2-Расм. Саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятларини ошириш йўналишлари

Шунингдек, илмий мақолада объект сифатида “Шўртаннефтваз” УШКда 2014-2015 йилларда сотилиши ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотлар бўйича маълумот қуйидаги 2.2.2-жадвалда келтирилган.

“Шўртаннефтваз” УШКда 2014-2015 йиллар мобайнида ишлаб чиқилиши режалаштирилган маҳсулотлар номма ном келтирилган. Жумладан, 2014 йилда жами газ миқдори 13314738 минг м³, суммаси 366915 млн.сўмни ёки 63,8 фоизни, 2015 йилда эса унинг улуши 67,0 фоизни ташкил этган²⁷.

²⁷ “Шўртаннефтваз” УШКнинг 2014-2015 йиллик ҳисоботлари.

2.2.2-жадвал

2014-2015 йилларда “Шуртаннефтваз” УШКда сотилиши ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотлар тўғрисида маълумот

Номлари	Ўлчов бирлиги	2014 йил			2015 йил		
		Миқдор и	Суммаси , млн. сўм	Улуши (%)	Миқдор и	Суммаси , млн. сўм	Улуши (%)
1	2	3	4	5	6	7	8
Жами сотилиши ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулот			574790	100		524964	100
Жами газ	Минг м ³	1331473 8	366915	63,83	1296085 7	351883	67,03
Тоза газ	Минг м ³	8920140	229563	39,94	8799595	255438	48,66
Кам олтин гургутли газ	Минг м ³	4394598	137352	23,90	4161262	96445	18,37
Нефть	тн	289344	46461	8,08	286358	48649	9,27
Конденсат	тн	323123	52648	9,16	297724	50034	9,53
Олтингургут	тн	3130	238	0,04	4420	248	0,05
Суюлтирилган газ	тн	102732	108528	18,88	113787	74150	14,12

Манба. Корхонанинг истиқболли режаси асосида тузилган.

Унинг таркибида тоза газ миқдори 8920140 минг м³, суммаси 229563 млн.сўмни, кам олтин гургутли газ миқдори 4394598 минг м³, суммаси 137352 млн.сўм бўлган. Шунингдек, “Шўртаннефтваз” УШКда бошқа турдаги маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқариш режалари келтирилган. Жумладан, 2014 йилда нефть 289344 тонна, унинг суммаси 46461 млн.сўм, 2015 йилда бу кўрсаткични 289358 тоннага етказиш кўзда тутилган. Суюлтирилган газ миқдори 2014 йилда 102732 тоннани ташкил этган. Корхона томонидан келгуси йиллар мобайнида янада ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини ривожлантирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, 2014 йилда жами сотилиши ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 574790 млн.сўм, 2015 йилда 524964 млн.сўмни ташкил этади²⁸.

²⁸ “Шўртаннефтваз” УШКнинг 2014-2015 йиллик ҳисоботлари.

2-боб бўйича қисқача хулоса

Хулоса қилиб айтганда, келгусида, Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан қуйидаги тавсияларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишда инновацион лойиҳалардан самарали фойдаланиш;

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини рағбатлантиришига қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

- давлат дастурлари доирасида инновацион лойиҳаларни тартибга солиш тизимларини янада ривожлантириш;

- экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқариш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватловчи тизимларни янада такомиллаштириш;

- иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатбардош ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

- хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатини сертификация қилиш ҳамкорлик қилиш қўламини янада кенгайтириш;

- халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назорат тизимини жорий этиш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

**III-БОБ. Ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришда
технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш**

**3.1. Ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт товарлари сифатини
оширишда технологиялар трансферидан фойдаланишни
такомиллаштириш**

Ташқи иқтисодий фаолиятда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар сифатининг мунтазам равишда яхшилаб бориш муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазиятдир. Бу вазиятнинг тинмай амалга оширилиб бориши моддий-техника базаси яратилишига муносиб ҳисса қўшиш демакдир. Бугунги кунда сифат муаммоси хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олмоқда. Юқори сифат меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини ошириш, пировард натижада эса жамиятнинг эҳтиёжларини янада яхшироқ ва тўлароқ қондириш демакдир.

Маҳсулот сифатини бошқариш деганда маҳсулотни лойиҳалаш, уни ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш ёки ундан фойдаланишда унинг зарурий сифат даражасини белгилашни таъминлаш ва сақлаш тушунилади. Булар иш сифатини доимо назорат қилиб бориш ва маҳсулот сифатига таъсир этувчи шароит ва омилларга мақсадга мувофиқ тарзда таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар учун белгиланган нормативлар техник хужжатлар асосида уларга қўйиладиган асосий талабларга нисбатан белгиланиши лозим. Бозор иқтисодиётининг асосий қонуни талаб ва таклиф бўлганлиги учун ҳар бир ишлаб чиқарилган товарга истеъмолчининг қўйган талаби муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчининг талаби даврларига нисбатан ўзгарувчан бўлганлиги учун ишлаб чиқариш корхоналарига доимо янги таклифлар берилади. Шу сабабли товарларнинг сифат кўрсаткичлари доимо яхшиланиб, уларнинг рақобатбардошлиги ошиб боради. Маҳсулот сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири рағбатлантириш ва режалаштиришдир.

Маҳсулот сифатида халқ хўжалигининг муайян тармоқлари ва корхоналарни ривожлантириш режаларини яхшилаш вазифалари кўзда тутилган ҳамда ушбу вазифалар бажарилиши учун керак бўлган муддат белгиланиши зарур. Маҳсулот сифатини режали амалга оширишда стандартлар катта аҳамиятга эга. Корхона бирлашмаларида сифатни бошқаришнинг автоматлаштирилган туб тизимлари жорий этилишидан асосий мақсад меҳнатни бануксон ташкил этишга асосланади. Бу тизим меҳнатни баҳолашда квалиметрия усулларида фойдаланишни кўзда тутди. Ишчи ёки жамоат меҳнатини баҳолангандан сўнг кўрсаткичлар таҳлил қилинади ва камчиликларни йўқотиш чоралари кўрилади. Бу кўрсаткичлар ишчи ёки жамоатчиликни иқтисодий рағбатлантиришда асос қилиб олинади. Сифат коэффициенти деб аталувчи ушбу кўрсаткич ўзаро ва жамоатлараро мусобақаларни уюштириш ёлибларни аниқлашда асосий кўрсаткич деб қабул қилинади. Ишлаб чиқариш даврида сифатга қўйиладиган талаблар ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун тайёрланган маҳсулотнинг сифати ҳар томонлама таҳлил қилинади, уларнинг иқтисодий барқарорлиги чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори, уларнинг салоғиятига яъни корхона ускуналарига, қувватига, ҳомашё сифатига боғлиқ. Маҳсулотларнинг сифатини бошқариш ва янги ассортиментдаги маҳсулотларни яратиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришга янги технологияларни татбиқ этиш асосий омил ҳисобланади.

Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бирламчи, комплекс ва умумий кўрсаткичлар гуруҳига ажратилади. Озиқ-овқат комплекс кўрсаткичларига органолептик қиймат, энергетик қиймат, диетологик қиймат, истеъмолга тайёргарлик киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида энг мухим омил озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ҳисобланади. Стандартни тайёрлаш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- стандартлаштирилган жараёни ва объектни аниқлаш;

- техник топшириқни тузиш, уни корхона раҳбарлари муҳокамасига тақдим этиш;
- корхона стандартининг биринчи лойиҳасини тайёрлаш;
- лойиҳани у алоқадор бўлган бўлим ва ташкилотга тақриз ва таклиф қилиш учун тарқатиш;
- корхона стандартининг 2-чи таҳририни илмий-техника кенгашида кўриб чиқиш ва фойдаланишга топшириш.

Корхона стандартини муҳокама қилишда қанча кўп ходим иштирок этса, стандартни қўлланишида самарадорликка шунчалик тез эришилади. Корхона стандартини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш барча ишчилар вазифаси бўлиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлайди, иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширади. Натижада сифатсиз маҳсулотлар чиқишининг олди олинади. Ҳар қандай маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари шаклланишида уларга қўйиладиган асосий талаблар - маҳсулотларни тайёрлашда ишлатиладиган ускуналар, тайёрланадиган хомашё маҳсулотларини, норматив техник ҳужжатлар томонидан қўйиладиган талаблар, уларни ишлатишда фойдаланадиган рецептураси, товарларни қадоқлаш, ташиш маҳсулот сифат кўрсаткичларини мукамаллаштиришга катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳозирги шароитда маҳсулотларнинг бозордаги хариди уларнинг сифат кўрсаткичлари билан аниқланади. Кейинги пайтда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичини аниқлашда, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини ўрганишда квалиметрия усули қўлланилади.

Аввало ишлаб чиқаришда керак бўладиган маҳсулотларни режалаштириш даврида шунга ўхшаш маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини юқори даражага етказишни таъминловчи омилларни излаб топиш лозим.

Бозор иқтисодиётининг асосий қонуни талаб ва таклиф бўлгани учун ҳар бир ишлаб чиқарилган товарга истеъмолчининг қўйган талаби катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар

талабига қараганда ишлаб чиқариш корхоналарига доимо янги таклифлар берилади.

Халқ хўжалигида янги турдаги сегментлар бунёд этилади. Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатлари яхшиланиб уларга бўлган талаб ортади. Шу сабабли бозор шароитида ишлаб чиқариш структураси билан истеъмолчилар орасида доимо рақобат содир бўлади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида товарларни ишлаб чиқаришдаги корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни миқдори ишлаб чиқариш потенциаллиги, яъни корхонани юқори талабларга мойил бўлган ускуналарга ва инженер-техник ходимларга келтирилган ҳомашёнинг сифати ва ишлаб чиқарилган товарларни сифат кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Маҳсулотларни сертификатларини сифат кўрсаткичлари шу маҳсулотларни норматив техник талабига жавоб беришини юқорида таъкидлаган жуда кўп талабларга боғлиқ. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бўладиган ҳар бир талаблар юқори савияда бўлиши лозим. Норматив техник ҳужжатларга бўлган талаблар халқ хўжалигида ҳар бир ишлаб чиқиладиган товар ассортиментига шу товар учун мўлжалланган норматив техник ҳужжатлар мавжуд. Уларни ишлаб чиқаришда тайёрланган товарларни самарасини баҳолаш ва бошқа масалаларни ҳал этишда катта рол ўйнайди. Инновацион ғоялар, ишламалар ва технологияларнинг бевосита манбаси ихтиролар — янгилик даражаси билан ажралиб турувчи, фан ва инновацияларга йўналтирилган ишлаб чиқариш ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи илмий-иқтисодий фаолият маҳсули ҳисобланади.

Ихтиролар, худди инновациялар каби, янгилик даражаси ва улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси даражаси бўйича фарқланади. Ихтироларнинг асосий қисми кичик ва майда ихтиролар бўлиб, улар чиқарилаётган маҳсулот ёки фойдаланилаётган технологияларнинг айрим кўрсаткичларини яхшилашга қаратилади.

Ихтиролар чиқарилаётган маҳсулотнинг янги моделларини шакллантиришни таъминловчи, яхшиловчи инновацияларнинг пайдо

бўлишига туртки бўлади. Йирик ихтиролар, улар кам сонли бўлиб, ишлаб чиқаришда янги технологик тамойилларни жорий қилишга кўмаклашади, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар, янги техника авлодларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ихтиролар пирамидасининг чўққисини йирик ихтиролар эгаллаган бўлиб, улар ҳар ўн йилда ҳам пайдо бўлавермайди, даврга хос янгиликлар учун асос бўлиб, жамиятнинг моддий-техника базасини ўзгартирувчи, ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширувчи ишлаб чиқаришнинг янги технологик усуллари ва технологик укладларни шакллантиришга хизмат қилади.

Натижада яратилган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш технологияларининг ихтирочилик даражаси пасайиб, уларнинг рақобатбардошлик даражаси тушиб кетди, маҳаллий товарлар ташқи ва ички бозорлардан сиқиб чиқарила бошлайди.

Самарали ихтироларни баҳолаш, танлаб олиш ва улардан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда бунинг тадбиркорлар ва ихтирочилар зиммасига юклаб қўймаслик лозим. Тўпланган ихтиролар жамғармасини инвентаризациялаш ва улар орасидан стратегик инновацион устуворликлар, принципиал жиҳатдан янги маҳсулотлар, юқори технологик укладли техника ва технологияларни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин бўлган ихтироларни танлаб олиш зарур. Патент олиш учун аризаларни текширишда инновацион устуворликларни амалга ошириш, принципиал жиҳатдан янги рақобатбардош маҳсулот ва технологиялар яратишда фойдаланиш мумкин бўлганларини танлаб олиш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш лозим. Инвестицион лойиҳа ва дастурларни баҳолашда таклиф этилаётган маҳсулот ва технологияларнинг патент экспертизасини ўтказиш, уларнинг ихтирочилик даражасини баҳолаш талаб қилинади.

Ихтироларни баҳолаш, танлаб олиш ва улардан фойдаланишга ҳам, юқори технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш учун асос бўлиши мумкин бўлган энг самарали ихтироларни мамлакатда ва хорижда

патентлашга ҳам сезиларли моливий ёрдам кўрсатиши лозим. Бусиз маҳсулотларнинг экспорт улушини ва мамлакатнинг юқори технологияли бозорлардаги мавқеини ошириб бўлмайди. Патент экспертизаси юқори технологияли экспортни қўллаб-қувватлашга йўналтирилувчи бюджет маблағларидан фойдаланишда ҳам талаб қилинади.

Мамлакат фан-техника ютуқларининг сезиларли қисми чет элга текинга чиқиб кетаётган тенденцияларга чек қўйиш керак.

Интеллектуал мулк эгаларининг ижодий фаолият натижаларига нафақат иқтисодий ва технологик, балки ижтимоий-маданий омиллар ҳам, биринчи навбатда, таълим ва маданият даражаси, мафкуравий қадриятлар ва ахлоқий меъёрлар таъсир кўрсатади. Мамлакатимиздаги ихтирочилик фаоллигини ошириш, ихтирочилар, конструкторлар, муҳандислар ва инноваторлар нуфузини мамлакат келажаги, унинг глобал технологик, иқтисодиёт ва ижтимоий-маданий макондаги ўрни уларга боғлиқ бўлган шахслар сифатида оширишни талаб қилади.

Инновацион технологияларнинг моҳияти ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш учун илмий-техник ғоялардан фойдаланишдир. Инновацион ўсиш мазмунини белгилаб берувчи базис инновациялар тўлқинида фанда ўзгаришлар рўй бериб, янги илмий қоидалар ёки унинг ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқич шаклланади.

Иқтисодий-технологик инновацияларнинг бевосита манбаси ихтиролар - янгилик даражаси билан ажралиб турувчи. фан ва инновацияларга йўналтирилган ишлаб чиқариш ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи илмий техник фаолият маҳсули ҳисобланади.

Ихтиролар. худди инновациялар каби, янгилик даражаси ва улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самараси даражаси бўйича фарқланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда,

мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фан эгаларини моддий рағбатлантириш бўйича жорий этилган механизмлар улар фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда давлат қудратини оширишга, халқимиз фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи инновацион технология ва ишланмаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, уларнинг муаллифлари ва буюртмачиларига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш давр талабига айланган. Шу боис инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш, қолаверса, иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш йўлида мавжуд бўлган муаммоларни ва уларнинг ечимларини аниқлаш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича мавжуд механизмлар самарадорлигини баҳолаш, олий таълимда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда миллий инновацион илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион стратегияни шакллантириш масалалари илм-фан эгалари ҳамда қонун ижодкорларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида яқин кооперацион алоқаларни ривожлантиришда ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар,

технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаларининг хизмати катта. 2008-2016 йилларда бўлиб ўтган ярмаркаларда умумий ҳажми 144,1 миллиард сўмлик 4000 дан ортиқ шартномалар имзоланиб, ушбу шартномаларнинг бажарилиши натижасида 1,8 триллион сўмдан ортиқ ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришилди. Мухими, ўзимизда яратилаётган инновацион технологиялар, лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши иқтисодиётда импорт маҳсулотларнинг улушини камайитиришга замин яратмоқда. Айни пайтда инновация ва илмий тадқиқот фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг етишмаслиги, хусусан, инновация, тадқиқот, технологиялар трансфери, грант каби атамаларнинг мазмун ва моҳияти қонунчиликда акс эттирилмаганлиги, давлат бюджети ҳисобига яратилган интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи, ундан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилмаганлиги, соҳа вакиллари ҳамда уларнинг маҳсулотларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан тартибга солинмаганлиги инновацион фаолиятнинг янада самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

3.2. Инновациялар трансферининг ривожланиш истикболлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги ва истикболдаги янги юксалиш даврларида дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз иқтисодиётида фақат инновацион ривожлантириш модели имкониятларидан кенгроқ ва фаол фойдаланиш кераклигини эътироф этмоқда. Бунда миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, айниқса кичик бизнес ривожланишида инновация омилининг аҳамияти, инсон капитали, инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилиши, уни самарали молиялаштириш орқали ошириш назарда тутилади.

Зеро, ҳар қандай мамлакат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, жумладан ҳудудий бизнес ишлаб чиқариши модернизациясида, инновацион фаолият натижаси, фан ва техника

тараққиёти катализатори асоси бўлмиш инновациялар ва улар трансферининг аҳамияти жуда катта. Умуман, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон, иқтисодиётини янги ривожланиш босқичига ўтиши шароитида иқтисодиётнинг реал ишлаб чиқариш сектори ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда минтақа ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг мустаҳкам кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи талабни рағбатлантириш масалаларини ҳал этишда инновацион фаолият алоҳида ўрин тутди. Чунки ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширувчи инновация омили манбаларини аниқлаш ва уни ривожлантириш узок муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш суръатларини оширувчи инновация омилининг ривожланиши ва бунда кичик бизнес фаоллашуви тенденцияларини таҳлил қилиш учун, қоида сифатида, давлатлараро, жумладан минтақалараро қиёслаш ва мавжуд захираларни баҳолаш услублари қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда барча ривожланаётган мамлакатлар қиёсий таҳлилида мазкур давлатлар иқтисодиёти модернизациясида кўпроқ фойдали бўлган илғор илмий-техник ишланмаларни селектив ва ҳамкорликда ривожлантириш стратегиялари тан олинганлигини ҳисобга олиш лозим.

Ушбу стратегиялар қуйидагиларни кўзлайди:

Биринчидан, илмий-техник салоҳиятга эга бўлган ва давлатнинг инновацион техник-технологик сиёсатини кучайтириш асосида иқтисодиётнинг таянч соҳаларини, айниқса инновацион кичик бизнесни, ривожлантириш.

Иккинчидан, ривожланиш даражаси жаҳон стандартларидан орқада қолаётган технология соҳаларини, айниқса, инновацион кичик бизнесни ривожлантириш.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятининг тажрибасига кўра, уларнинг муваффақиятлари инновацияларни бошқаришнинг бир бутун тизими яратилган ва бунда, илм-фан харажатларининг (ЯИМга нисбатан) ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Бунда кўп сонли технологик ва инновацион фирмалар, айнан, венчур капитали туфайли ривожлантирилган. Лекин, глобал инқироз йилларида инновацияларга қилинган харажатларнинг ўсиши секинлашган.

Жаҳон тенденцияларини умумлаштирган ҳолда кўриш мумкинки, мамлакатнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, инновацияларни давлат ҳисобидан молиялаштириш улуши шунчалик оз бўлади ва инновацион жараённинг мустақиллик даражаси юқори бўлади. АҚШ ва Японияда инновацион лойиҳаларни мустақиллик даражаси жуда юқори (давлат улуши 15 фоиз), Хитой ва Ҳиндистонда ўртача даражада (15-30 фоиз). Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) мамлакатлари бўйича 50 фоиз инновацияларга харажатлар корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаштираётган ва техник қайта жиҳозланаётган мамлакатлар учун эса, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш даражаси жуда паст. Бунда, иқтисодиётга ажратилган кредитлар миқдори бўйича Хитойда ЯИМга нисбатан 100-140 %, Чили ва Кореяда 50%, Ҳиндистон ва Исроилда эса 50 % дан кам миқдорида маблағ ажратилган.

Инновация соҳаси доирасида 3.2.1-жадвалда баъзи мамлакатлар бўйича умумлаштириб берилган илмий тадқиқот (инновация)ларни молиялаштириш манбалари берилган.

3.2.1-жадвал.

Илмий тадқиқотларни молиялаштириш манбалари (ҳажми, %)

2014 йил.

Мамлакатлар	Молиялаштириш манбалари, %			
	давлат маблағлари	тадбиркор-лик сектори маблағлари	хорижий манбалар маблағи	бошқа миллий манбалар маблағи

Озарбайжон	71	25	0	0,9
Арманистон	60	31	4	5
Беларусь	62	29	8	1
Қозоғистон	55	31	2	11,5
Қирғизистон	63	38	0	0
Молдова	77	15	6	2
Россия	69	27	7	0,5
Тожикистон	82	11	0	7
Украина	50	27	22	1,2
Ўзбекистон	53,7	25,3	14	7
МДҲ	66	26	6	3,2
Европа Иттиф.	33,1	55	3	8,9
Швеция	4,4	78,6	3	14
Финляндия	6,5	70,5	5	18
АҚШ	27	68	6	0
Хитой	24	72	1,2	0
Хиндистон	66	30	0	4,4
Япония	16	78	0	5,8
Ж. Корея	26	73	0	1,4
Озарбайжон	71	25	0	0,9
Арманистон	60	31	4	5
Беларусь	62	29	8	1
Қозоғистон	55	31	2	11,5
Қирғизистон	63	38	0	0

Манба. National Science Board. 2016. Arlington, VA: National Science Foundation Science and Engineering Indicators 2016 (NSB-2016-1), p. 4/45-46.

3.2.1-жадвал таҳлили асосида айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда илм-фанга ассигнацияларнинг 55 фоизидан ортиғи бизнес сектори маблағлари ва 34 фоиздан кам эса давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда давлат маблағларидан энг кам ҳажмда молиялаштириш бўйича кетма-кет равишда Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия лидер ҳисобланади, улардан кейинги ўринларда Япония ва АҚШ туради. Барча мамлакатларда хорижий ва бошқа миллий манбалар улуши анча камлигича (ўртача суммаси 5-10 фоиз) қолмоқда. АҚШда 2014 йили инновацияларга харажатлар 3,2 фоиз, Европа Иттифоқи (ЕИ)да 0,5 фоизга кўтарилган. Бунда фақатгина Финляндияда илмий тадқиқот ишларига давлат томонидан ажратиладиган бюджет харажатлари 4,4 фоизни ташкил этган. Япония 2010-2014 йилларда илмий тадқиқотларга қилинган харажат бўйича ғолибликни қўлда ушлаб қолган. Ҳиндистон ва Хитойда эса инновацион фаолиятга қилинган харажатлар сезиларли даражада ажратилганлиги

изоҳланади. Умуман, ривожланган ва прогрессив ривожланаётган давлатлар инновацион ривожланишга ўтишининг асосий омилларидан бири молиявий инфратузилманинг ривожланганлигидир.

Анъанавий инвестиция лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, ишланмалар ва инновацион лойиҳалар татбиғи билан боғлиқ кредитларнинг хатар (риск)лиги жуда юқори. Шунга қарамай, бир қатор ривожланаётган мамлакатлар (масалан, Хитой, Корея, Ҳиндистон ва б.) тажрибасига кўра, инновацион лойиҳалар учун молиявий тизим тармоғини либераллаштириш ва махсус молиявий воситаларни ривожлантириш йўли орқали ушбу рисклар чекланди. Бундай воситалар ва механизмлар сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- рискли лойиҳаларни венчурли молиялаштириш, синдикатлашган кредитлар, фонд бозорлари орқали молиялаштириш механизмлари;
- инвестицион портфелни диверсификация қилиш орқали инвестиция рискларини пасайтириш;
- рискларни суғурталаш.

Кейинги йилларда инновацион ривожланишда сезиларли муваффақиятга эришган мамлакатлар инновацияларни бевосита ва билвосита молиялаштириш усулларида фойдаланмоқда. Уларнинг асосийлари давлат бюджети маблағлари, нобюджет фондлар маблағлари, корхоналарнинг маблағлари, кредитлар, грантлар, суғурта маблағлари (*бевосита молиялаштириш манбалари*), солиқ имтиёзлари ва чегирмалари, кредит имтиёзлари, божхона имтиёзлари, амортизация имтиёзлари (*билвосита молиялаштириш манбалари*). Венчур ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланган фирмаларга қулайликлар яратиш, юқори технологик янгиликлар соҳасидаги илмий изланишлар ва тадқиқот-тажриба ишларини қисман (50 фоизгача) молиялаштириш ва ҳоказо тадбирлар миллий иқтисодиётда интеллектуал салоҳиятнинг ошиб бориши ва унинг фаоллашувига олиб келди. Бу эса ҳозирги АҚШ, Германия, Япония, Франция, Финляндия, Швеция, Буюк Британия давлатлари иқтисодиётини

дунёда энг инновацион ва рақобатдош бўлишига сабаб бўлди, яқин келажакда улар қаторига Хитой қўшилиши кутилмоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, Германия инновацион тадқиқотларга энг кўп маблағ сарфловчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. ЯИМнинг деярли 2,6 фоизи илмий тадқиқотларни молиялаштириш учун ажратилади. Бу эса ЕИ бўйича ўртача 1,9 % юқори. Федерал ва ўлка ҳукуматлари корхоналар билан ҳамкорликда 2015 йилда инновациялар ва улар трансферига қилинадиган харажатларни яна 3 %га оширишни кўзда тутмоқдалар. Бунда Германия корхоналарининг инновацияларга қилган харажатлари деярли 130 млрд. еврони ташкил қилади. Жумладан, автомобиль саноати мазкур сумманинг 1/4 қисмини инвестициялайди. Германия иқтисодиётида янги маҳсулот айланмасининг 27 %ини ташкил қилади. Янги маҳсулотлар умумий автомобиль саноати айланмасида 52 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, Германиядаги корхоналар томонидан инновацияларни молиялаштириш бўйича ҳам етакчи ўринларни эгаллайди.

Жаҳон амалиёти таҳлили инновацион таълим муассасаларининг ривожланиш шакллари кўп қирралилиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдиришни тақозо этади.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси анъаналари фундаментал тадқиқотдан тажрибали ишлаб чиқаришгача бўлган илмий асосланган маҳсулотнинг татбиқ этилиш муддатини қисқартиради. Бунда таълим муассасалари янги билимлар ва илмий асосланган бизнес авлодининг маркази сифатида бош ролни ўйнайди. Шундай экан, минтақа ишлаб чиқаришига инновациялар трансферини илмий-техник, технологик, инновацион ва молиявий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш минтақадаги реал иқтисодий соҳа ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Умуман, инновациялар трансферини минтақа ишлаб чиқаришини модернизациялашдаги ролини оширишда олий ўқув юртлари билан бизнес соҳаси ўртасида узвий алоқаларни ривожлантириб бориш орқали амалга ошириш сезиларли самара бермоқда.

Инновациялар трансфери бўйича жаҳон тажрибасига кўра, илмий (инновация) соҳанинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги роли ва уни сифатли молиялаштириш ҳажми борган сари ортиб бормоқда, АҚШ, ЕИ ва Японияда инновациялар ҳисобига ЯИМ ўсиши 70-90 фоизни ташкил этди, технологияларнинг халқаро трансфери эса экспортнинг энг даромадли қисмига айланди.

Юқорида айтилганлар доирасида инновацияларни молиялаштириш тенденциялари ва 2020 йилгача бўлган истиқболга прогнозини 3.2.2-жадвалдагидек келтириш мумкин.

3.2.2-жадвал

Мамлакатлар бўйича илм-фанга қилинган харажатларнинг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси ва 2020 йилга прогнози, %

Мамлакатлар	Йиллар							
	1990	1995	2000	2005	2008	2010	2012	2020
Озарбайжон	1	0,6	0,3	0,2	0,2	0,3	0,3	2,1
Арманистон	2,5	0,8	0,3	0,3	0,2	0,3	0,3	2,2
Беларусь	2,3	0,9	0,8	1,2	0,6	0,6	0,8	2,7
Қозоғистон	0,7	0,4	0,2	0,3	0,3	0,2	0,2	1,5
Қирғизистон	0,7	0,3	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	1,5
Молдова	1,6	0,7	0,6	0,4	0,5	0,5	0,5	1,6
Россия	3	0,97	1,1	1,25	1,3	1,5	1,7	2,25
Тожикистон	0,7	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	1,3
Украина	2,3	1,4	1,1	1,1	0,9	0,9	0,9	2,3
Ўзбекистон	1,2	0,7	0,27	0,23	0,18	0,19	0,2	3,0
МДҲ	1,6	0,6	0,45	0,51	0,47	0,48	0,48	2,1
Европа Иттиф.	-	-	1,8	1,87	1,9	2,0	2,0	2,2
Швеция	3,7	3,7	3,7	3,86	3,75	3,75	3,8	4,5
Финляндия	3,11	3,25	3,38	3,48	3,73	4,4	4,6	4,7
АҚШ	2,6	2,51	2,73	2,72	2,76	2,77	2,8	3,0
Хитой	0,6	0,61	1,01	1,51	1,44	1,55	1,88	2,5
Ҳиндистон	0,5	0,9	0,95	1,45	1,5	1,55	1,8	2,4
Япония	2,5	2,7	2,9	3,2	3,1	3,1	3,1	3,5
Ж. Корея	1,8	2,1	2,5	2,8	2,9	3	3,1	3,4

Манба: www.worldbank/wdi.org, мамлакатлар расмий статистикаси ва А.А.Дынкиннинг (Мировая экономика: прогноз до 2020 года/Под ред. А.А.Дынкина. - М.: Магистра, 2008) прогнозлари муаллиф томонидан ҳисобга олиниб, тизимли экстраполяциялаштириш орқали тузилган.

3.2.2-жадвал таҳлили асосида айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда илм-фанга ассигнациялар глобал инқироз ва ундан кейинги даврларда ҳам камаймай ортиб борган. Зеро, 2020 йилгача бу мамлакатлар

илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши ўртача 2,9 фоизга етади.

МДХ мамлакатларида охириги беш йил давомида илм-фанни молиялаштириш ижобий динамикани сақласа-да, лекин унинг ҳажми инновацион иқтисодиёт шароити учун нисбатан жуда кам. Зеро, 2020 йилгача МДХ мамлакатлари илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши ўртача 2,1 фоизга етади.

Прогрессив ривожланаётган мамлакатлар (Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Янги Зеландия, Малайзия, Жанубий Африка ва б.)да илм-фанни молиялаштириш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва бунда улар ривожланган давлатларга яқинлашмоқда. Зеро, 2020 йилгача прогрессив ривожланаётган мамлакатлар илм-фанига қилинадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши тахминан ўртача 3,1 фоизга етади.

Ўзбекистон инновацион ривожланишининг мақсадли прогноз параметрлари ўсишнинг омилли шартлари ва Миллий инновацион тизим салоҳияти таҳлили асосида аниқланган. Умуман, қиёсий таҳлил натижалари ва прогноз Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 (ёки 2013-2023) йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш концепцияси (стратегияси) ишлаб чиқишида фойдали бўлиши мумкин. Бунда Ўзбекистон етарли илмий асосга ва салоҳиятга ҳамда қулай макроиқтисодий шароит ва зарурий ресурсларга эга эканлиги инновацияларни ривожлантиришнинг махсус рағбатлантирувчи иқтисодий механизмини тақозо этади.

3-боб бўйича қисқача хулоса

Янги билим олиш ва янги технологиялар ишлаб чиқиш ҳақида ғамхўрлик давлат ва барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг умумий иши бўлиши лозим; бунда давлат илмий техник, технологик ва конструкторлик ишламалари (ИТТКИ)ни умумий мувофиқлаштириш, фундаментал тадқиқотлар ва рискли, лекин катта фойда келтириши мумкин бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

Юқори технологияли маҳсулотлар билан халқаро бозорга чиқиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа барча турларига нисбатан анча самарали бўлади; демак, мамлакатимизни ривожланган давлатлар ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига имкон берувчи халқаро ҳамкорликнинг ҳар хил турлари ишга туширилиши лозим.

Аксарият юқори технологияларнинг муҳимлиги ва тижорат нуқтаи назаридан жозибадорлиги юқори технологияли фаолият соҳаларига хорижий давлатлар махсус хизматлари ва жинойтчи гуруҳлари эътиборини жалб қилади. Шунинг учун мамлакатнинг юқори технологияли тармоқларини айрим ходимлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда давлатимизга тажовузларидан сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришда технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳозирда иқтисодиёт илмида инновацион ривожланишнинг кўплаб назариялари, концепция ва гипотезалари мавжуд. Одатда ушбу назария ва концепциялар ўзидан олдингиларнинг бирлаштирувчи давоми ҳисобланади;

- инновацион ривожланиш назарияси асосининг шаклланиши даврлар ва инкирозларнинг умумий назарияси вужудга келиши доирасида содир бўлган. У Кондратьевнинг “катта тўлқинлар назариясини ривожлантириш натижасида шаклланди;

- инновацион ривожланиш назарияси шаклланишининг учинчи босқичида асосий эътибор ҳудудий жиҳатга, яъни турли мамлакатлар ва маданиятларнинг инновацион фаолликларидаги тебранишларга қаратилди.

- ИТнинг асосий қийинчиликларидан бири шундаки, ғоя муаллифини муваффақият қозонишига ишонтира олиш керак, чунки у ўзи мустақил маҳсулотни охиригача ҳеч қачон етказа олмайди. Унинг ғояси занжирсимон тарзда қўлдан-қўлга ўтиши, **яъни** "назариётчи-ихтирочи", "тадқиқотчи-амалиётчи", "тадқиқотчи-технолог", "технолог-ишлаб чиқарувчи", "маркетолог-сотувчи" бўлиб ўтиши ҳамда ушбу чархпалакка инновацион марказларни, маъмуриятни, банкларни ва маҳсулотни қўллаб-қувватловчиларни жалб эта олиши керак.

Мамлакат иқтисодийётини барқарор ўсишини таъминлаш, инновацион тизимни йўлга қўйиш учун мамлакатнинг интеллектуал потенциалидан самарали фойдаланиш лозим. Бу борада жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал капитални шакллантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги ишларни амалга ошириш:

- мамлакатнинг инновацион сиёсатини; инновацион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган бюджет сиёсатини; кадрлар сиёсатини такомиллаштириш;

- таълим соҳасидаги ислохотларни; соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни; аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш;

- интеллектуал капиталдан самарали фойдаланишни таъминлашни; интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини; ундан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини; фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимини такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ташқи инновацион фаолиятни ривожлантиришда технологиялар трансферидан фойдаланишни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тавсияларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- янги билим олиш ва янги технологиялар ишлаб чиқиш ҳақида ғамхўрлик давлат ва барча мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг умумий иши бўлиши лозим, бунда давлат илмий техник, технологик ва конструкторлик ишламалари (ИТТКИ)ни умумий мувофиқлаштириш, фундаментал тадқиқотлар ва рискли, лекин катта фойда келтириши мумкин бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

- юқори технологияли маҳсулотлар билан халқаро бозорга чиқиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа барча турларига нисбатан анча самарали бўлади; демак, мамлакатимизни ривожланган давлатлар ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига имкон берувчи халқаро ҳамкорликнинг ҳар хил турлари ишга туширилиши лозим.

- аксарият юқори технологияларнинг муҳимлиги ва тижорат нуктаи назаридан жозибадорлиги юқори технологияли фаолият соҳаларига хорижий давлатлар махсус хизматлари ва жинойтчи гуруҳлари эътиборини жалб қилади. Шунинг учун мамлакатнинг юқори технологияли тармоқларини айрим ходимлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда давлатимизга тажовузларидан сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

- Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини оширишда инновацион лойиҳалардан самарали фойдаланиш;

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини рағбатлантиришига қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш;

- давлат дастурлари доирасида инновацион лойиҳаларни тартибга солиш тизимларини янада ривожлантириш;

- экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқариш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватловчи тизимларни янада такомиллаштириш;

- иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатбардош ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

- хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатини сертификация қилиш ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;

- халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назорат тизимини жорий этиш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
 2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: “Адолат”, 1996.
 3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
 4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. – Т.: “Адолат”, 1992.
 5. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонуни. // Иқтисод ва ҳисобот, №2, 1995.
 6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. (Солиқ тўловчининг журнали 6-сон). 1998 йил 30 апрел.
 7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолати тўғрисида”ги қонуни. 1999 йил 14 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - “Адолат”, 1999.
 8. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги **ПҚ–1442**–сонли Қарори.
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарори.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
 11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т-6. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 429 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 252 б.
13. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-том. Т.; “Ўзбекистон”, 2000. - 112 б.
14. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 –Т.: “Ўзбекистон”, 2003. -320 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -144 б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006. -280 б.
17. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. -320 б.
18. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008. -368 б.
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
20. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

3. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўпламлари:

21. Абдуғаниев А.А. Темпы и пропорции воспроизводства общественного продукта в Узбекистане. -Ташкент: Фан. 1973.
22. Абдураззаков У., Муслимов Ш. Экономика социализма и рыночные отношения: опыт и проблемы. -Ташкент.: Мехнат. 1990.

23. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. –Т.: “Меҳнат”, 2004. -670 б.

24. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. –М.: ТОО Люкс-арт, 1998. -236 с.

25. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. -Т.: Молия, 2002. -336 б.

26. Гайдар Е. Экономические реформы и иерархические структуры. - М.: - Наука, 1993.

27. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.

28. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб. -Т.: Шарқ, 2003. -416 б.

29. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Ўзбекистана. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000. -368 с.

30. Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. – Тошкент, «IQTISOD-MOLIYA». 2010. -228 б.

31. Шадманов Э., Шодмонов Ш., Ғафуров У., Ҳамроев О. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. «ADIB NASHRIYOTI» МЧЖ. 2010. -256 б.

32. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. – 480 б.

33. Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. – Т.: ТДИУ, 2004. -192 б.

4. Статистик тўпламлар

34. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Ўзбекистон Республикаси Статистик қўмитаси. 2006 2010 йиллар.

35. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2009 / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2010.

36. Ўзбекистон иқтисодиёти / Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2010.

37. Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси, 2012 / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2013 йил.

5. Интернет сайтлари

38. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали

39. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Матбуот хизмати расмий сайти

40. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

41. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти

42. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

43. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

44. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали

45. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

46. www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти

47. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери